ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1997 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

16 май, № 20 (3405)

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Шу йилнинг 13 — 14 май кунлари Туркманистон пойтахти Ашгабатда иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ЭКО) аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдан ташқари учрашуви бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов қатнашди.

Учрашувда минтақада транспорт коммуникацияси тармоқларини жаҳон андозалари даражасида қайта таъмирлаш, Европа, Шарқий ва Жанубий Осиё, Узоқ Шарққа газ ва нефт етказиб берувчи қувурлар барпо этиш, шунингдек, ЭКОга аъзо мамлакатлар ўртасида экология, соғлиқни сақлаш, савдо-сотиқ ва маданият соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Минтақа мамлакатларидаги нефт ва газни жаҳон бозорига олиб чиқиш учун Қозоғистон — Ўзбекистон — Туркманистон — Афғонистон — Покистон, Марказий Осиё — Форс кўрфази йўналишларида нефт қувурлари қуриш ҳамда Туркманистон — Эрон — Туркия — Европа, Ўзбекистон — Туркманистон — Афғонистон — Покистон йўналишларида газ қувурлари барпо этиш бўйича минтақалараро консорциумлар ташкил этиш имкониятлари кўриб чиқилди. Шунингдек, Тежан — Сарахс — Машҳад темир йўлини очиш тўғрисида ҳам музокаралар бўлди.

Яна бир марта таъкидлаб ўтмоқчиманки, бизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, муносабатларимизда инсоний ва демократик қадриятлар ўлчовлари даражасини юксалтиришга қаратилган умумий интилишимиз минтақамиз изчил ва барқарор ривожининг энг муҳим шартларидан биридир.

Ислом КАРИМОВ

Республикамиз Президенти Ислом Каримов учрашувда нутқ сўзлади. У ўз нутқида ЭКОни янада такомиллаштиришнинг саккиз йўналишини кўрсатиб ўтди. Нутқ қатнашчиларда ва журналистларда катта қизиқиш уйғотди.

Учрашув якунида ЭКОга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференцияси ўтказилди. Унда ЭКОнинг истиқболига бевосита боғлиқ бўлган минтақавий хавфсизлик масалаларига кенг ўрин берилди.

Президентимиз Ашгабат сафари давомида бир неча давлатлар раҳбарлари билан алоҳида учрашувлар ҳам ўтказди. Жумладан, Эрон Ислом республикаси Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Покистон Бош вазири Навоз Шариф билан бўлган мулоқотларда томонларни қизиқтирувчи масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Туркистон — умумий уйимиз

ҚАРДОШЛАР ДИЙДОРЛАШУВИ

Кўкламнинг охирги ойи — май, одатда, муҳим халқаро воқеалар, анжуманлар, шеърият ва кино байрамларига бой бўлади. Табиат ўз кўрку тароватини кўз-кўз этаётган бу йилги баҳор ҳам ана шундай муҳим анжуманлари билан озод юртимиз адабий ҳаётида муҳим из қолдирмоқда. Сешанба куни Тошкентда «Туркий халқлар адабиёти» ўттиз жилдлигини нашрга тайёрлаётган таҳририят аъзоларининг кўчма йиғилиши ўз ишини бошлади. Бу анжуманда кўплаб туркий халқлар адабиёти вакиллари, хорижлик нуфузли олимлар, адабиётчилар, ижодкорлар иштирок этишмоқда.

Йиғилишни ўттиз жилдлик ҳайъати бошлиғи, туркиялик профессор Содиқ Турол очди. Туркий халқлар ҳаётида биринчи марта амалга оширилаётган ана шу муҳим ишнинг турли қирралари ҳақида Ўзбекистондан профессор Бегали Қосимов, Озарбойжондан профессор Бекир Набиев, Татаристондан профессор Хатип Миннигулов, Қозоғистондан профессор Шокир Ибраев ва бошқа олимлар фикр юритдилар.

Йиғилишнинг иккинчи кунида Адабиёт ва тарих комиссиясининг иши муҳокама этилди. Кун тартибида адабий атамалар ва шунингдек «Турк дунёси фикр ва адабиёт матнлари антологияси»ни яратиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам кенг муҳокама қилинади. Анжуман ўз ишини давом эттирмоқда.

* * *

Келаётган душанба куни эса озод Ўзбекистон пойтахтида яна бир халқаро миқёсдаги анжуман бўлиб ўтади. У «Мустақиллик — бахтимиз, толеимиз, камолимиз» деб номланган мушоира бўлиб, мазкур шеърият байрамида Марказий Осиё давлатларининг таниқли ижодкорлари иштирок этадилар.

Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси ва мамлакат Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилаётган мушоира пойтахтнинг муҳташам «Туркистон» саройида бўлади. Шу куннинг иккинчи ярмида эса халқаро анжуман доирасида «Туркистон» саройида «Марказий Осиё мустақил давлатлари халқлари шеъриятининг бугуни ва эртаси» мавзуида давра суҳбати ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Дўстлар давраси

АССАЛОМ, ФЕСТИВАЛ!

Тошкентимизда XII Халқаро киноанжуман байроғи кўтарилишига саноқли кунлар қолди.

Ҳаяжонли учрашувлар

Ташкилий қўмита ва танлов (бадиий филмларни кўрикдан ўтказиш) ҳайъатига киношунос ва кинорежиссёрларимиз Шуҳрат Аббосов, Фарҳод Мусажонов, Собир Назармуҳамедов, Жўра Тешабоев, Ханжара Абулқосимова, Саодат Хўжаева ва бошқалар таклиф этилган.

Танлов комиссиясининг масъул котиби Тоир Юнусовнинг айтишича, 30та давлатдан келтирилган филмлар кўриб бўлинди. Шулардан 9таси танлаб олинди. Улар орасида Озарбойжондан «Бировнинг бахти», Қозоғистондан «Абай», Эрондан «Актёр», Туркиядан «Сўнмас чиннигуллар», Афғонистондан «Исён», Жанубий Кореядан «Алвидо, азизларим» каби филмлар бор. Ўзбек кино ижодкорлари томонидан сўнгги йилларда яратилган «Бомба», «Ака Шариф Тошкентда» ва янги катта киноасар — «Буюк Амир Темур» филмлари танлов ҳайъати эътиборига ҳавола этилган.

Санъат саройи, «Нукус», «Қозоғистон», «Ватан», «Дўстлик», «Гагарин» (Чайка) кинотеатрларида таъмирлаш ишлари тугалланиш арафасида. Юқорида номи зикр этилган кинотеатрлар ходимлари мухлислар яхши хордиқ чиқариб, кўнгилли дам олиши учун барча имкониятларни яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу анжуман нафақат санъат аҳлининг, балки бутун республиканинг байрамидир. Зеро, фестивалнинг яхши ўтиши барчамизга боғлиқ. Халқимиз азалдан байрамларни, катта сайилларни хуш кўради. Бу йилги фестивалнинг ўзгача шукуҳи шундаки, уни мустақил Ўзбекистон ўз ихтиёри билан, ўз маблағлари ҳисобига ўтказмоқда. Ҳомий ташкилотлардан Тошкентдаги «Кока-Кола», «Совпластитал» корхоналари, шунингдек, наманганликлар фестивалга ўзига хос совғалар тайёрлашган. Кинофестивал ёзувлари туширилган полиэтилен сумкача, яктак, Чуст пичоғи ва бошқа совғалар шулар жумласидандир.

Кинофестивалнинг тақвими, ўтадиган кунлари туширилган рекламалар тайёрлаб қўйилди. Эрта-индин «Кинофестивал йўлдоши», «Спутник кинофестиваля» журналлари мухлислар қўлига тегади.

Кинорежиссёрлар Исамат Эргашев, Шуҳрат Аббосов, Нозим Тўлахўжаев, Қамара Камолова, Фарҳод Мусажонлар Ҳиндистон, Қоҳира, Туркия, Сеул, Францияга бориб яхши филмлар танлаб қайтдилар.

Фестивал кунлари кўҳна Самарқанд шаҳрига махсус поездда меҳмонларни сайрга олиб бориш мўлжалланмоқда.

Санъат саройи, Тошкент аэропортини рекламалар билан безаш ишларига бош рассом С. Аванесов бошчилик қилаётир. Шаҳар ҳокимияти ҳам тайёргарлик ишларини қизитиб, киноанжуманга пойтахтни ободонлаштирмоқдалар.

Шунингдек, ўзбек киносининг боғига ажойиб меваларни экиб кеттан устозларни эслаб қўйиш улуғ айём кунларида ҳам қарз, ҳам фарздир. Наби Ғаниев, Асад Исматов, Обид Жалилов, Йўлдош Аъзамов, Комил Ёрматов, Аббос Бакиров, Наби Раҳимов, Ҳамза Умаров каби кино ижодкорлари сиймоси қалбларимиз тўрида. Зеро, нодир кинотасмалар улардан қолган ёдгорликдир. Шундай улуғ санъаткорларимизнинг руҳи бизга ҳамиша мададкор бўлгай, иншооллоҳ.

Бизнинг бу кунги саъй-ҳаракатларимиз авлодларга ўрнак бўлиб қолиши шубҳасиз. Ахир Шайх Саъдий айтганлар-ку:

Ёмон ҳам ўтар, яхши
ҳам — яхши бил.
Сени яхши ном бирла
ёд этсин эл!

Шораҳим ЗУННУН

XALQARO KINOFESTIVALI TOSHKENT-97 INTERNATIONAL FILM FESTIVAL

АНЪАНАВИЙ РАЖАБИЙХОНЛИК

Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий—тадқиқот институтида анъанавий ражабийхонлик илмий-мусиқий кеча ўтказилди. Академик Юнус Ражабийнинг хонандалик, созандалик ва бастакорлик хислатлари, у киши қолдирган бой мусиқий мероснинг маънавий аҳамияти хусусида олимлар ҳамда чет элдан келган меҳмонлар фикр юритдилар. Институт директори, профессор Тўхтасин Ғафурбеков устознинг мумтоз мусиқий мероси ҳақида батафсил гапирди.

Кечада Ю. Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли бадиий раҳбари Исроилжон Ваҳобов устознинг шогирдларга муносабати ҳақида сўзлаб, мусиқий мерос намуналаридан ижро этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар атоқли созанда Рисқи Ражабий ҳамда мусиқашунос олим Исҳоқ Ражабий мероси ҳақида ҳам гапириб, ражабийлар сулоласининг ўзбек санъатида тутган ўрни хусусида фикр юритдилар.

Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ

УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ

Ҳар бир миллатнинг ўз созию уларни қиёмига етказиб чаладиган созандалари, ажойиб санъаткорлари бор. Ғижжак созининг устаси, марҳум Обид ака Холмуҳамедов ҳаёт бўлганларида 70 ёшга тўлардилар. Лекин ҳозир устоз даражасига кўтарилган, Тошкент Давлат консерваториясининг ғижжак сози бўйича мутахассиси, профессор Мурод Тошмуҳамедов шундай шогирдлардан биридир. Яқинда унинг ташаббуси билан консерваторияда О. Холмуҳамедовнинг хотира кечаси ўтказилди.

Кечада сўзга чиққанлар устозни хотирлаб, дил сўзларини айтдилар. Кеча охирида Наманган шаҳрида ўтган ёш ғижжакчилар фестивали ғолиблари ҳамда Тошкент Давлат консерваториясида ўтган 7 йиллик мусиқа мактаблари ўртасидаги фестивал ғолибларига ҳомийларнинг совғалари топширилди. Ёш ғижжакчи созандалар — Глиэр номидаги мусиқа мактаби ўқувчилари Шерали Холматов ва Анвар Аҳмаджоновнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Туҳфанисо ОРТИҚБОЙ қизи

АНЖУМАНГА ТЎЁНА

Қадимий Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тадбирга ЮНЕСКО томонидан ўзбек миллий рақси ва театри намояндалари таклиф қилинди. Шу кунларда М. Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» бирлашмаси ва Аброр Ҳидоятов номидаги театр жамоаси бу анжуманга катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Режиссёр Баҳодир Йўлдошев, «Ўзбекнаво» бирлашмаси Бухоро бўлими раҳбари Ориф Отаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбонов, «Ўзбекрақс» бирлашмаси бадиий раҳбари Юлдуз Исматова ва шоир Хуршид Даврон ҳамкорлигида яратилган «Тўй» саҳнаси ҳамда Аброр Ҳидоятов номидаги театр жамоасининг «Ипак йўли» спектакллари анжуманга тўёна бўлмоқда.

Бугунги кунда «Ўзбекрақс» бирлашмасида миллий рақсларимизни янада баркамол қилиш йўлида жиддий изланишлар олиб борилмоқда. «Мен, аввало, ўзбек миллий рақсининг халқимизга азиз бўлишини хоҳлардим. Чунки ўз халқи учун керак бўлмаган санъат бошқа халқ томонидан қадрланиши қийин. Ана шу қадрни, меҳрни халқимизнинг қалбидан, юрагидан излаяпмиз», — дейди биз билан суҳбатда бирлашманинг бадиий раҳбари Ю. Исматова.

Мукаррам Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» бирлашмасининг 25 майдан 31 майгача намойиш этадиган концерт дастури ана шу изланишларнинг дастлабки маҳсулидир.

Фотима ИСЛОМ қизи

АРАВОН МЕҲМОНЛАРИ

Аравон Қирғизистоннинг Уш вилоятидаги энг сўлим гўшалардан бири. Бу маскан ҳавосининг мусаффолиги, табиатининг бетакрорлиги, одамларининг санъатсеварлиги билан ажралиб туради. Аравондан чиққан не-не улуғ одамлар эл назарига тушган. Меҳнат Қаҳрамони марҳум Алла ота Аноров, жаҳон геологияси фанининг дарғаларидан марҳум Ҳабиб Абдуллаев ҳам шу юрт фарзандлари.

Ғалаба байрами арафасида ўзбекистонлик бир гуруҳ санъаткорлар Аравонга ташриф буюрдилар. «Мирза қизиқ» гуруҳи хизматда бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли сўз устаси Мирзабек Холметов ичакузди ҳангомаларию латифалари билан одамларга қувонч бағишлади.

Исмоилжон ЭРГАШЕВ

ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ







САФАРДАГИ САБОҚЛАР

ЖУРНАЛИСТ САМАД ҚОДИРОВНИ ХОТИРЛАБ

Ушанда мен «Сирдарё ҳақиқати» газетасида ишлаб юрган ёш журналист эдим. Бир куни бош муҳаррир Исмоил Сулаймонов ҳузурига чақириб деди:

— Алиназар, Гулистонда ирригация-мелиорация масалаларига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлади. Унда редакция вакили сифатида сен қатнашасан.

Вазифа аниқ эди. Мен дарҳол қўшсаҳифа режасини тузиб, муҳаррирга тасдиқлатиб олдим-да, ишга киришдим. Тадбирга «Совет Ўзбекистони» газетасидан Самад Қодиров келди.

Самад ака «Сирдарё ҳақиқати» газетасини ташкил этган фидойилардан. У мен 1964 йилда ишга келгунимга қадар шу газетада масъул котиб лавозимида ишлаб кетган, редакция жамоасида талантли журналист, самимий инсон сифатида яхши таассурот қолдирган эди. Бундан уч-тўрт ойча бурун «Раҳбарнинг обрўси ва ҳурмати», «Колхоз раиси» сарлавҳали мақолалар ёзган, улар газетхонлар ўртасида қўлма-қўл бўлиб ўқилганди. Шу боисдан ҳам мен имкониятдан фойдаланиб, бу тажрибали ҳамкасбим билан яқинроқ танишишга, унинг суҳбатларидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилдим.

Семинар-кенгашнинг биринчи куни маърузалар тингланди. Қолган уч кунида «Ўзбекистон» поездида, поезд боролмайдиган жойларда эса махсус ажратилган автобусларда ҳозирги Сирдарё, Жиззах вилоятларини кезиб, ирригация-мелиорация ишларининг йўлга қўйилиши билан танишдик. Ўша пайтда Мирзачўлни ўзлаштириш кенг қулоч ёйганди. Бу ерда ўрганса арзийдиган ишлар кўп эди.

Мирзачўлдаги дастлабки пахтачилик хўжалиги «Пахтаорол»да семинар-кенгашнинг якуний мажлиси бўлди. Сафар чоғида кўплаб ирригаторлар, мелиораторлар, донгдор пахтакорлар, механизаторлар билан суҳбатлар бўлди. Самад ака бу учрашув ва суҳбатларнинг деярли ҳаммасида иштирок этдилар-у, лекин ён дафтарларига кўп нарса ёзмадилар. Баъзан менга: «Алиназар, газетабоп ҳеч нарса йўқ-ку», деб қўярдилар. Фақат 28-пахтачилик давлат хўжалигида бўлганимизда: «Бир нарса топдим» дедилар. Мен нималигини суриштирмадим. «Пахтаорол» давлат хўжалигида бўлганимизда: «Бу ердан иккита нарса топдим», дедилар.

Сафардан сўнг Самад аканинг «Совет Ўзбекистони»нинг 1966 йил 14 сентябр сонида «Мирзачўл — мардлар майдони» сарлавҳали репортажи босилди. Семинар якунига бағишлаб берилган материаллар орасида энг яхшиси Самад Қодировнинг репортажи эди. Кичик сарлавҳаларга бўлиб ёзилган бу репортажда фактлар уммонидан энг сара, энг эътиборга лойиқ, энг долзарблари териб олиниб, қизиқарли шаклда баён қилинган эди. Репортажнинг «Қуёшли ёмғир» қисми мана шундай бошланарди: «Осмон шишадек тиниқ. Қуёш найзага келиб, бутун нурини пахтазорга сочиб турибди. Лекин рўпарада ёмғир ёғаётганлиги кўзга илашади. Унга яқинлашамиз. Ҳақиқатан ҳам шовуллаб ёмғир ёғаяпти.

Ажабо...

Ҳайрон бўлманг. Бу пахтазорга сунъий равишда ёмғир ёғдирадиган, ғўза тупларини қондирадиган агрегатларни кўриб ган беришди».

ЁДНОМА

Шу хизмат сафаридан сўнг Самад Қодировга нисбатан журналист ва инсон сифатида ҳурматим янада ортди. Унинг ижодини мунтазам кузатиб борадиган бўлдим.

Журналистика тажрибасида машинисткага айтиб ёздириш усули маъқулланмайди. Кўпчилик бу усул тилни сийқалаштиради, журналистга ижодкор сифатида ўз қобилиятини тўла намоён қилиш имконини бермайди, деб қоралашади. Лекин газета иши баъзида шундай усулдан ҳам фойдаланишни тақозо этади. Назаримда, айтиб ёздириш усулидан ҳамма эмас, уддасидан чиқадиган — энг тажрибали, етук журналистларгина фойдаланиши керак. Самад Қодиров ана шундай журналистлардан эди. Яхши журналистни яхши футболчига ўхшатгим келади. Яхши футболчи «формада» бўлган, рақиб дарвозасига тинмай тўп уриб, жамоасининг ғалабасини таъминлаётган, ишқибозларни завқлантираётган пайтларда ҳамманинг оғзида бўлади. Қариб, тўп суришга ярамай қолганидан кейин эса одамлар уни унутишади...

Яхши журналистнинг тақдири ҳам аксарият худди шундай бўлади. У тинмай ижод қилиб, матбуотда долзарб мақолалари, очерклари, фелетонлари билан кўриниб турган пайтларда жамоатчиликнинг назарида бўлади, кўпчилик унинг фикри билан ҳисоблашади. Қариб, ижоддан қолганидан кейин эса уни унутишади. Сабаби, аксарият матбуот материаллари вақт ўтгач эскиб, ўз аҳамиятини йўқотади. Бу соҳанинг бадиий адабиёт ёки бошқа санъат турларидан фарқ қиладиган жойи ҳам шунда.

Самад Қодиров ҳам жисман, ҳам ижодкор сифатида полвон одам эди. У республикани кўп кезар ва кўп ижод қиларди. У ёзган ўнлаб ажойиб мақолалар, очерклар, репортажларнинг кўпчилиги китоб ҳам бўлиб чиққан. Уларда замоннинг муҳим муаммолари, улуғвор ишлари, жасоратли инсонлар қиёфаси ёрқин ифодасини топган. Ҳамкасб дўстлари ва шогирдлари Самад Қодировни сермаҳсул ижоди билан халқимизга сидқидилдан хизмат қилган ажойиб журналист ва инсон сифатида хотирлайдилар,

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ

МОЗИЙГА САЙР

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг ташкил топганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа фурсат ичида бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, «Наврўз» байрами кунлари жамғарманинг республика бошқаруви 25 оилага 50 минг сўмлик моддий кўмак берди. Тошкент шаҳар бўлими эса 2000 оилага шундай ёрдам кўрсатди.

Жамғарма яқинда Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари кенгаши билан ҳамкорликда яна бир хайрли тадбир ўтказди. Тошкент — Бухоро — Самарқанд йўналиши бўйлаб саёҳат поезди ташкил этди. Пойтахтимизда истиқомат қилувчи бир гуруҳ иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, уларнинг оила аъзолари уч кунлик саёҳат давомида Самарқанд ва Бухоронинг диққатга сазовор жойлари, минг йилларнинг гувоҳи бўлган тарихий обидалар билан танишдилар. Фахрийлар Бухоро яқинидаги Баҳоуддин Нақшбанд ва Самарқанд яқинидаги Имом Бухорий қабрларини зиёрат қилдилар.

— Кексаларга кўп нарса керакмас, — дейди «Нуроний» жамғармаси бўлим бошлиғи Шуҳрат Усмонов. — Озгина эътибор, ширин сўз бўлса бас. Жамғармамиз инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган бу йилда қатор тадбирларни амалга оширишни режалаштирган. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ёрдамга, кўмакка муҳтож ҳеч бир фахрий бизнинг назаримиздан четда қолмайди.

СУРАТЛАРДА: фахрийлар Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари тарихий обидалари билан танишмоқдалар.

С. МАҲКАМОВ суратлари

Кўнгил

Иброҳим РАҲИМ

102 ЁШЛИ ОТАХОН УЙЛАНМОҚЧИ

Киндик қоним тўкилган қишлоғимга ҳар борганимда янги-янги воқеаларнинг гувоҳи бўламан. Бу галги сафаримда эса, ажиб ва антиқа дув-дув гап-сўзларнинг устидан чиқдим.

— Бува хўжа уйланмоқчи. Орзуси катта, ҳаракати зўр, — деди бир ҳамқишлоғим мени Сойкелди янгиликлари билан ошно қиларкан. — Оллоҳ фарзанд берса-ю, ўғил бўлса Юзбой, қиз бўлса — Юзиккиой, деб исм қўймоқчи...

— Чинми, ҳазилми? — ишонқирамай сўрадим.

— Чин бўлганда қандоқ — деди ҳамқишлоғим. — Яқин атрофдаги беваларга совчилар юборавериб, тинч қўймаяпти. Ҳатто, улар кўнавермагач, кўмак тилаб туман бошлиқларига мурожаат қилибди. Бирор нарсанинг ҳиди бордирки, Қувага қатнагани-қатнаган.

— Тўйи қачон бўлармиш?

— Яқин бўлса керак, ясаниб, соқол-мўйловини тараб юрибди-ку.

Ёқамни ушладим. Энг кичиги нафақа ёшидаги тўрт ўғил, уч қизнинг отаси, қирқ етти невара, қирқ етти чевараси, чевараларининг ҳам неваралари бор, 102 ёшли одам наҳотки уйланса. Ҳисобласа, унинг зурриёди бутун бошли колхоз бўлади. Шундай пиру бадавлат, бир юзу икки баҳору қишни кўрган бобонинг хотин излаб туман марказига пиёда қатнаб юриши лоф эмасмикин? ..

Яна суҳбатдошимдан сўрадим:

— Бобонинг сиҳат-саломатлиги, куч-қуввати қалай ўзи?

— Ҳали йигитлардай бардам-бақувват! — деди у қатъий қилиб. — Таъбир жоиз бўлса, президентимиз орзу қилган соғлом авлоднинг нақ ўзгинаси! Меҳнатсиз туролмайди, бир жойда ўтиролмайди. Шу кунлардаям елкасидан кетмон, қўлидан ток қайчи тушмайди.

Мен Бува хўжа Султоновни азалдан яхши танийман. Йигирманчи йиллар охирида у «Қизил кетмон» артелида бригадир, мен табелчи бўлганман. Ўша вақтда у «Полвон, зарбдор пахтакор» номи билан машҳур эди. Шундан буён орадан етмиш йил ўтди. Бу вақт ичида ундабунда кўришиб, салом-алик қилиб турдик. Ҳозирги гапдан кейин табаррук отахонни зиёрат қилгим келди-да, уйига жиянимни киритдим. У Қувага, намози жумага кетган экан. Кечки пайт хабарлашсам, Қувадан келибоқ, адирдаги томорқасига кетибди.

Изидан бордим.

Собиқ адир ҳозир Шароф Рашидов номидаги жамоа хўжалигининг анорзору мевазорига айланган. Уни Мастурахон Сайфиддинова бошлиқ қирқ қизлар обод қилишган. Бува хўжа бобога томорқани ҳам ўшалар беришган.

Мевазор томорқа денгизида ёлғиз елкан янглиғ Бува хўжа кетмон урмоқда эди. Кетмонни баланд кўтарса ҳам, аста-авайлаб пастга туширар, гоҳ энгашиб ниманингдир бошиними, баргиними силагандай бўларди. Яқинлаб бориб қарасам, ўзи эккан бодрингни чопиқ қилиб, палагини пуштага ёткизаётган экан.

Мени кўриб, ғоз бўлди. Алифдай қомати хиёл энгаіган, чеҳраси ҳануз буғдойранг, сочлари салгина сийраклашган, ингичкаю узун соқолнинг ости қора, учи оқ, кўринишидан ҳеч ким уни ўтган асрда туғилган деб ўйламайди. Фақат паспорти гувоҳ, холос.

— Ҳорманг, бободеҳқон! — дедим яқинлашиб.

— Э, келинг, Мулло Иброҳимжон! Қандай шамол учирди?

— Уйланаётган экансиз, айтмасангиз ҳам, тўйингизга келдим, — деб ҳазиллашдим.

У ҳазилимга ҳазил билан жавоб қилди:

— Келганингиз яхши бўлди. Тўйим сизсиз ўтмай турувди...

— Нега? Хотин топилмаяптими?

— Хотин кўпу, олиб берувчилар суст...

Нок дарахти салқинига чордона қуриб ўтириб олганимиздан сўнг суҳбатимиз давом этди. Бобо совет даврида чоракорлик, батраклик қилганларию, «қулоқларни синф ҳолида битириб, артел тузганликлари ҳақида» эринмай гапириб берди:

— Эсимиз паст эканми ёки ёшлик тентакликми, қулоқлар ёмон, бойлар муштумзўр, уларни синф ҳолида тугатиш керак, десалар ишонибмиз. Тўрт-беш батракни идорага қамаб олиб, «Палончи қулоқ бўлсин, қўл кўтар!», деса оқибатини суриштирмай, қўл кўтараверибмиз. Оқибатда энг яхши одамлар сургун бўлиб кетишди. Қишлоқ ҳувиллаб қолди. Деҳқончиликнинг баракаси учиб, қаҳатчилик, очарчилик бошланди.

— Кейин буни ҳам қулоқларга тўнкадилар, шекилли...

— Шекилли эмас, баралла жар солдилар, қулоқлар сабатажи бу деб... Қулоқлар... қулоқлар йўқолсин, деявериб, уларнинг гўдакларигача Сибир қилиб юбордилар... Камдан-кам «қулоқ»нинг боласи тирик қолди. Тирик қолганлари ҳам қишлоққа қайтиб келмадилар.

Ўшаларнинг биттасини яқинда кўриб келдим.

— Қаерда экан?

— Тошкент вилоятида.

— Кимингиз бўлади?

— Жияним. Ота-онаси билан қўриқ, балчиқзор ерларга сургун қилинган эди. Ҳозир кимсан, Орифжон Хўжаев бўлиб, хўжалигида катта хўжайин. Таноб-таноб боғ-роғларини кўриб, ёқамни ушладим. Уч ўғлида учта машина. Соғин сигирларию бир қўтон қўй-қўзиси бор. Егани олдида, емагани кетида. «Нега сени қулоқ қилмадилар? — деб ҳазиллашдим. — Сендаги бойликнинг учдан бири ҳам қулоқ бўлган отангда йўқ эди-ку!» Жияним мийиғида кулиб, ҳақиқатни зикр қилди: «Ҳозир қанча бойисангиз, шунча яхши. Деҳқон бойиса, халқ бой бўлади. Президентимизнинг мақсадию талаби ҳам шу!»

Бува хўжа бобонинг гапини бўлиб:

— Ўзингиз қалайсиз, бойлигингиздан мақтанмайсизми, қанча мол-мулкингиз, бойлигингиз бор? — деб сўрадим.

— Энг бадавлат одамман, — деди у. — Бир юзу элликка яқин зурриёдим бор! — Кейин ҳазиллашиб қўшиб қўйди: — Биттадан чертса — ўламан, бир тишламдан берса — тўяман. Бундан ортиқ бойлик керакми менга. Лекин ҳали-вери бу дунёдан хайрлашадиган жойим йўқ, мен энг соғлом авлодман. Бир юз икки йил, яъни ўттиз олти минг етти юзу йигирма кун яшаб, фақат икки кунгина касалхонада бўлганман. Ўшандаям ётганим йўқ, қишлоққа қочиб кетганман. Умуман, касаллик нималигини билмайман.

— Ҳозир ҳам аввалгидай бардам-бақувват кўринасиз.

— Мулла Иброҳимжон, Аллоҳнинг иродасию мустақиллик неъматими, Сизга ёлғон, менга чин, қайтадан ёшаряпман. Сочимга унча оқ тушгани йўқ. Мўйловим қопқора, соқолим остидан қора мўйлар чиқаяпти. Шукрки, ҳозир ҳам бир йигитча ғайратим, яна бир йигитча кувватим бор. Сабаби — шу ёшга кириб меҳнатдан, ҳаракатдан тўхтаганим йўқ. Ҳалигача томорқамга ўзим қарайман, болаларимникига, ҳатто, узоқдаги жиянларимникига ҳам ҳашарга бориб тураман. Улар мени аяб «Қўйинг, дам олинг» дейишса, «Нима, мени кўлмак сув қилиб қўймоқчимисизлар?» — дейман. Колхозда кетмончи, сувчи, мироб, звеновой, бригадир, ҳосилот, ҳатто, раис бўлган вақтларимда ҳам томорқамни ўзим гуллатардим. Эндиликда ҳавасга ишлайман-да. Меҳнат ишқи зўр нарса!

— Болаларингиз кўмаклашиб турсалар керак?

— Болаларим яхши, менга меҳрибон. Бири кетса, иккинчиси келиб туради, ўғлим нон тутса, қизим ош тутади. Ёшни қувват сақласа, кексани овқат сақлайди. Кийим-кечагим ҳамиша бут. Пенсия пулим ёнимга қолади. Ҳузурини эвараларим кўрадилар. Улар ҳам кети узилмай зиёратга келиб туришади. «Салом, бобожон» деб қучоқласа, кўзига қараб сўрайман: «Исминг нима, кимни боласисан?» «Нодиржонман, ўғлингизнинг кенжасиман», десаям билолмайман, қайси ўғлимнинг нечанчи ўғли? Набираларимнинг ҳам набиралари бор. Ана уларнинг ҳисобига етиб кўринг-чи. Мен уларга аввалдан ҳайитлик ёки суюнчи тайёрлаб қўяман. Ҳайитлиқ бир йилда икки марта, аммо суюнчи кўп! Авлодингиз катта бўлгач, Аллоҳга шукр, туғилиш ҳам кўп бўларкан. «Суюнчи беринг, опам туғди», «Суюнчи беринг, келинойим жижиладилар», «Суюнчи-суюнчи...» Уларнинг туғилган кунлари ҳам кўп. Йилига юз элликта! Кунаро туғилган кунига совғаю совғача. Дастлаб пенсия пулимдан юз сўмдан берардим, кейин эллик сўмга тушди, ҳозир зўрға беш сўмдан улашаяпман. Майли-да, маники табаррук!

— Демак, уйланишга сармоя қолмабди-да, — деб ҳазиллашдим.

— Уйланишимга пул топилади-я, аммо болаларим норози. Айниқса, қизларим. Бир куни Иброҳимбек мени бир бева кампир билан таништирмоқчи бўлди. Ювиниб, тараниб, бомдодни ўқиб, ясаниб ўтирувдим. Соқол-мўйловни қириб, жичча «шипр» ҳам сепиб олувдим. Бир маҳал қизим Хадичахон кириб қолди.

— Ие, ясан-тусан бўлакча-ку. Свиданияга кетяпсизми ё? — деди ўрисчалаб.

— Топдинг, қизим, келин кўрди бўлади, — дедим сирни яширмай. У янада қизиқсиниб сўради:

— Ие-ие! Набираю эвараларингизнинг ҳаммаси уйланган, чевараларингиз ҳали балоғатга етгани йўқ. Кимгаю, қанақа келин?

Яширолмадим.

— Ўзимга, — дедим.

Қизимнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди:

— Вой, ўлмасам... Анавиларни қарайлар. Юз икки ёшли қарияга ким тегарди. Жинни бўптими, ўша бева аёл!

— Ҳозирги бева аёлларни давлат эркалатиб юборди, — дейди Бува хўжа бобо сўзини давом эттириб. — Ҳаммаси пенсия олади, уйида гази бор, чойдиш қўйса қайнайди. Нонни ҳам матлуботчилар ёпиб берадилар. Муҳтожлиги йўқ. Савобни ҳам совет даврида унутиб қўйдилар. Эрга тегса, кир ювармиш, ишга тутилармиш. Замона уларни эрка қилиб юборди-да, бўтам.

— Нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— «Маънавият ва маърифат» марказига битта таклифим бор: марказ тул хотинлар орасида маърифий тушунтириш ишларини олиб борсин. Тул хотинлар болаларининг топганини пенсиясига қўшиб еб ётавермай, лойиқ-ковулли, ўзига маъқули чиқиб қолса, янгидан турмуш қуриб, рўзғор қилсин. Шунда икки ёрти бир бутун бўлади. Бу — савоб! Бундан ташқари иккисининг умри узаяди, қўша қариб, роҳат топади. Бу ҳам фарз! Улар фарзни тушунмай, савобдан қоляптилар.

— Яхши таклиф.

— Бу таклифимнинг ўзимга ҳам манфаати бор-да, — деди у ингичка, қора мўйловини, оқ аралашган сийрак соқолини силаб. — Тул хотинларга инсоф кириб, мантиқни сезиб, инсон манфаати йўлига юрсалару, Аллоҳим ол қулим, деб юборса, мен беванинг ҳам якка боши жуфт бўлиб қолармиди. Умидим катта. Ноумид шайтон...

— Сиз кўпни кўрган, кўпни билган одамсиз. Билганларингиздан бошқалар ҳам баҳраманд бўлсалар, унинг савобига ким етсин! Шунга нима дейсиз?

— Турган-битганимиз текин тарғиботчи, маошсиз ташвиқотчи. Маънавиятчилар бери келинг, демасалар ҳам, ўшаларнинг ишини қиляпмиз, — деди Бува хўжа оқсоқол. — Битта мисол: яқинда пилла қурти тарқатувчи Машрабхон бу йил ҳеч ким пилла қурти уруғи олмаяпти, деб нолиб қолди. Чунки ҳамма бу ишдан безган, пулини бермаяпти-да. Одамларни тўпладим, гапни ризқ-рўздан бошлаб, ҳар кимнинг бу дунёдаги бурчига тўхталдимда, пилла тайёрлаш ҳам бурч дедим. Одамлар бир пасда 52 қути уруғни олиб кетдилар.

Унинг айтишича, тўй-маъракаларда, ўтириш-туришу кўча-қўйларда олди-қочди, баъзан телба-тескари гаплар ҳам бўлиб тураркан. Шундай пайтларда Бува хўжа бобо маҳалла кексалари Собир тоға, Ашир Аҳмад ва Авлиёхонлар билан ҳакамлик қилиб мунозараларга якун ясар эканлар.

— Сабр қилиш ҳам жасурлар иши! — дейди Бува хўжа бобо ёшларга қарата қилган насиҳатларида. — Ўзбек халқи азалдан сабр-тоқатли халқ. Халқ анъанасига содиқ бўлган киши зиён кўрмайди.

Баъзан масъулиятсиз гапларни эшитиб қолса, қони қайнаб кетади:

— Тилни нимага берган? Дилни ифода қилиш учун! Дилинг бедарвоза бўлса, тилингни тий. Тилинг бежо бўлса, дилингни ёради. Шунинг учун Аллоҳ уни тўрт қўрғонга қамаб қўйган: остида кичик тил, устида танглай, атрофида тишлар, тепасида лаб. Ана шуни унутманг, болаларим...

Қува ҳокими Муҳаммаджон Носиров тадбирли, ҳар ишга ижодий ёндашувчи раҳбар эмасми, ҳокимлик ҳузурида оқсоқоллардан иборат маслаҳатчилар гуруҳи тузган. Сойкелди қишлоғидан Бува хўжа бобо билан масжид имом-хатиби Ашурали ҳокимнинг маслаҳатчиларидандир. Сойкелдида содир бўлаётган ҳар бир шикоят ёки норозилик оқсоқоллар орасида ечимини топади. Бу ишда уларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Мастурахон Сайфиддинова яхши кўмакчи.

Қишлоғимдан қайтар куним Бува хўжа бобо билан ўз кулбамда яна учрашдим. Дастурхон атрофида бўлган суҳбатда узоқ яшаш, бунда одам истеъмол қиладиган таомнинг ўрни ҳақида сўрадим:

— Шунча йил умр кўриб, таом танлаганмисиз? Қандай таомларни кўпроқ истеъмол қиласиз?

— Таом танламайман, — деб жавоб қилди бобо кулимсираб. — Аммо мева-чева жони-дилим! Семириб кетмайин деган киши сабзавот есин. Юрак касалидан нари юргиси келган одам ўрик, ёнғоқ, майиз егани маъқул. Ҳар кечда бир пиёла асал чой ичиб ётган инсон асаб касаллигига мутлақо йўлиқмайди. Ҳар нарсани эви билан ейиш лозим. Инсоннинг душмани — нафс. Ҳадисларда айтилган-ку: нафс — кўринмас ёв!

— Қандай орзу-умидларингиз бор? — сўрадим бободан.

— Орзуим мустақиллигимизнинг эллик йиллик тўйини кўриш.

Хайрлашар чоғим бобо илҳақ бўлгандай сўради:

— Никоҳ тўйига айтсам, келасизми?

— Хабар топсам, бутун Тошкентни бошлаб келаман! — дедим ҳазиллашиб.

У тетик, бардам, бақувват бўлиб кўриниш учунми, ҳассасини ортига яшириб, қоматини ғоз тутиб, қувноқ хайрлашди:

— Тўйда кўришгунча хайр!

ТИНЧЛИК ШАРАФЛАНАДИ

Уруш!
(Бақириб юборар ундов белгилари
Солдатлар таянган қўлтиқтаёқдай.)
Уруш...
(Нафас ололмасдан қолар нуқталар
Қўрғошин уч марта тешган юракдай.)

Уруш фожеалари шоир сатрларида шундай ифодаланган. Бу тасвир урушни бўрттириш учун эмас, тинчликни улуғлаш, унинг қадрига етиш учун зарур.

Фашистлар босқини, уруш келтирган кулфатлар ҳали ҳамон халқлар юрагидан ўчмаган. Ҳамон хотиралар оғрийди, кўнгил оғрийди. Ғалаба куни эса байрам қилинади. Уруш лаънатланади, ТИНЧЛИК шарафланади.

Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги Маданият маҳалласида ҳам Ғалаба куни тантанали байрам қилинди.

Байрамда маҳалла оқсоқоли Қурбонов Ҳожиакбар, Жалолов Раҳматулла, Абдушукуров Ориф, Илёсов Ҳамдам каби маҳалла фаоллари фахрийларни табриклаб сўз айтдилар. Ёш шоир Рустам Мусулмон ғалабага бағишланган шеърларини ўқиб берди.

Урушда қатнашган кекса отахонлар кўнгли шод этилди. Фақир оилалар, бева-бечоралар ҳолидан хабар олинди, уларга совға-саломлар улашилди.

М. РАШИДОВА

ИНСОН МАНФААТЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилоят бўлимининг қайта тиклангани ушбу ҳудудда яшаб, ижод қилаётган қаламкашлар учун қувончли воқеа бўлди. Шу маънода вилоят ижодкорларининг яқинда бўлиб ўтган биринчи йиғилиши «Инсон манфаатлари йили»да ҳар бир ёшнинг кўнглидан кечаётган ўйлари, белгилаган режаларини ўртоқлашишга имкон берди.

Йиғилишни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймон очди. Сўнгра уюшманинг вилоят бўлими масъул котиби Шарифа Салимова ўтган ярим йил мобайнида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот бериб, бу вилоят тупроғидан Хўжа Аҳрор Валий, Сидқий Хондайлиқий каби улуғ инсонлар етишиб чиққанлиги, уларнинг хотира кечаларини ўтказиб туриш ижодкорларнинг катта мавзуларга қўл уриши учун туртки бўлиши мумкинлиги хусусида тўхталди. Шунингдек, Элбек, Музайяна Алавия, Уктам Усмонов каби ижодкорлар ҳам ўзбек адабиёти ривожига муносиб улуш қўшганлиги ёшлар учун ибрат мактаби бўлиб қолишини таъкидлади. Истеъдодли ёзувчи Хайриддин Султонов катта имкониятларга эга бўлган вилоят ижодкорларининг мустақил Ўзбекистонимиз равнақи йўлида янада фаолроқ ижод қилишлари учун имкон яратиш, янги истеъдодларни кашф этиш, тарихимиз, ватанимиз ҳақида кучли асарлар яратиш лозимлиги хусусида сўз юритди. Вилоятдан чиққан марҳум ёзувчи-шоирлар ҳақида хотиралар ёзиш, уларнинг адабий кечаларини ўтказиш зарурлигини айтди.

Йиғилишда ижодкорлар ҳам ўз таклифларини билдирдилар. Жумладан, бекободлик Малик Эгамов, Юқори Чирчиқ район «Камолот» ёшлар жамғармаси раиси Латифжон Мансуров, паркентлик Маҳмуд Тоиров жойларда ижодий тўгараклар муттасил ишлаб туришини йўлга қўйиш давр талаби эканлигини уқтириб ўтдилар.

Йиғилишда бўлимнинг наср ва назм кенгаши ташкил қилинди. Уларга шоир Маҳмуд Тоиров ва ёзувчи Абдусаттор Ҳатамов раис этиб тайинландилар. Сўнгра мушоира бўлиб ўтди. Унда ёш ижодкорларнинг янги шеърлари янгради.

Г. ЗАЙТОВА

МЕРОС, МОҲИЯТ ВА ТАЛҚИНЛАР

Ватанимиз тарихида туб бурилиш ясаган Истиқлол барча қадриятлар қатори ўтмиш адабий меросимизга қайта назар ташлашни, мумтоз адабиётимиз вакиллари ижодини холис таҳлил ва ташвиқ қилиш вазифасини кун тартибига қўйди. Бу борада кейинги беш йилда анчагина ишлар амалга оширилди. Хўш, бугунги кунда адабий меросга қандай мезонлар асосида ёндашилаётир? Бир ёқлама талқинларга йўл қўйилмаяптими? Устоз адабиётшунос олимлар анъаналарига, илмий тажрибаларига таянганда қайси жиҳатларига эътиборни кучайтирмоқ ва қайси жиҳатларига танқидий муносабатда бўлмоқ лозим? Мумтоз адабиётимиз намуналари нашри қай аҳволда? Адабиётшуносларнинг янги авлодни камол топтириш борасида нималар қилинаётир? .. Шу каби бир қанча муаммолар атрофида фикр алмашиш, мунозара юритиш мақсадида БАҲС очишни лозим топдик. Бугун сиз адабиётшунос, филология фанлари доктори Иброҳим ҲАҚҚУЛ мулоҳазалари билан танишасиз. Мумтоз адабиётимиз моҳияти, тадқиқи ва талқини борасида асосли, холис кузатишлари билан қатнашиш истагини билдирган олимлар, ижодкорларни мунозарага таклиф этамиз.

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЛИМИ

БАҲС

Аҳмад ОТАБОЙ: — Бугунги кунда адабиётшуносликда классик адабиёт бўйича олиб бораётган тадқиқотларни қониқарли, деб ҳисоблаш мумкинми? Қайси йўналишларда жиддий ишлар амалга ошмоқда ва аксинча, қайси йўналишларда сусткашлик сезасиз?

Иброҳим ҲАҚҚУЛ: — Адабиётшуносликнинг бошқа жабҳаларига қиёсан айтадиган бўлсак, мумтоз адабиётни текшириш ва ташвиқ этиш унчалик ёмон эмас. Аммо уни қониқарли, деб бўлмайди. Бунинг эса ўзига яраша сабаб ва муаммолари бор. Бошқаларни гапириб ўтирмайлик. Илм аҳлининг ўзида ҳам илмга нисбатан ички қараш ва муносабат ўзгарди. Менинг назаримда, фарзандларининг издош бўлиб, фан билан машғул бўлишини орзу қиладиган олимларнинг сони камайиб бораётир. Бу — ташвишланарли бир ҳол. Тўғри, тирикчилик ва иқтисодий қийинчиликлар илмнинг куч-қудрати ва истиқболига доир анъанавий фикр ёки тушунчаларга иштибоҳ ила назар солишга мажбур этаётир. Лекин олис аждодлардан шу кунларгача етиб келган анъанавий қарашлардан йироқлашиш ёки уларга беписанд бўлиш машъум бир бўшлиққа дўнадики, кейин унинг ичини олтин билан тўлдирсангиз ҳам кўзланган натижани бермайди. Ҳақиқий олим бой бўлмаган ва бойликнинг кетидан ҳаллослаб югурмаган. Бироқ илмнинг ривожи ва чинакам олимлар сонининг кўпайиши доимо миллат ва давлатнинг бебаҳо бойлиги бўлган. Шу маънода олимлар орасида классик адабиётимизни қунт билан ўрганишга бел боғлаган, изланувчан, фидойи, илм завқини ҳеч нимага алмаштира олмайдиган тадқиқотчиларнинг камлиги сезилаётир. Яхши биласизки, илм-фан ҳар қандай шароитда ҳам бир жойда кўкариш, фақат илм, маърифат, тафаккур заминида чуқур илдиз ёзиш ва илҳомбахш муҳитда нафас олишни талаб этади. Инсон қонида шуҳратпарастлик, манфаатсеварлик ва мартаба ҳирси ғалаён этаркан, бундай талабларга чидаш осон кечмайди, албатта. Осон кечмагани учун ҳам осон яшашдан ўзга қайғуси йўқ ва ҳамиша осон йўл ахтарувчилар ҳеч иккиланмасдан, виждонан ҳеч қийналмасдан илмни тез тарк қилишади. Ёки илмдан бир восита сифатида фойдаланишади. Масалага холис ва кенгроқ қарайдиган бўлсак, кейинги пайтларда илм даргоҳларидан тасодифий кишиларнинг кетиб қолиши фанга ҳам, халққа ҳам фойда етказса етказадики, зиён кўрсатмайди. Хавф ҳам, зиён ҳам кўпинча фандаги ворисийликнинг сусайиши ёки узилишидан туғилади. Тан олиш жоизки, бугунги кунларда ўтмиш адабиёти масалаларини ўрганиш ишларида кўпроқ катта авлод — ёши олтмишлардан ошиб қолган устоз олимлар пешқадамлик кўрсатаётирлар. Албатта илмга садоқатда улардан ибрат олиш керак. **Сабр-бардош ила заҳмат чекиб, ҳар кун нимадир ёзиш, нимадир яратишни, қисмати олимлик, ҳаёти илмга айланган фидойилардан ўрганмоқ лозим. Шунга қарамасдан, истеъдодли ёшларгина илмни ёшартириш, фанни тубдан янгилаш ва янги босқичларга кўтара олишини ўйлаш зарурдир. Мана шундагина қилинаётган ишлардан қониқиш ҳосил бўлиши мумкин.**

Тасаввуф ва адабиёт муносабатларини ёритиш, ўзбек тасаввуф адабиётининг ғоя ва тимсоллар оламини тадқиқ қилиш — адабиётшунослик зиммасидаги энг масъулиятли ва қийин вазифалардан бири. Бизнинг институтимизда «Тасаввуф ва ўзбек адабиёти тараққиёти» номли коллектив бир тадқиқот ёзиб тугатилди. Бултур институтда янги бўлим очилди. Унинг номи — «Қадимги давр ўзбек адабиёти»дир. Демак, энди энг қадимги даврлардан бошлаб қарийб ўн бешинчи асргача бўлган адабиёт намуналари ва ғоявий-бадиий жараёнларини текшириш билан махсус бир бўлим шуғулланаётир. Бугунги иқтисодий қийин бир шароитда янги бўлим ташкил этиш осонми? Албатта, қийин. Бироқ Мустақиллик мафкураси қийинни осон айлаш имконини берди. Ана шунинг учун ҳам институтимиз жамоаси кўп томлик адабиёт тарихини яратишга киришди. Бу моҳият эътибори билан янгиликларга бой, ҳар қандай фикрий чекланиш ва бирёқлама талқинлардан холи, янги «Тарих» бўлиши шубҳасиздир.

А. ОТАБОЙ: — Умуман, ўзбек классик адабиётидаги тадқиқотлар қандай аспектда олиб борилиши лозим, деб ўйлайсиз?

И. ҲАҚҚУЛ: — Манбашуносликдан бошлаб, маҳоратшуносликкача бўлган деярли барча йўналишда. Бизда адабий жанрлар тарихи ва поэтикаси бўйича анча-мунча ишлар қилинган. Уларни давом эттириш, янада кенг ва янада мукаммал тарзда ўрганиш лозим. Услубшунос тадқиқотчиларга эҳтиёж кучли. Адабиётнинг асосий хазинаси — унинг бадиий олами. Шу хазина, шу олам сирлари ҳали унча кўп кашф этилгани йўқ. Классик шеъриятимиздаги ҳар бир поэтик образ ҳаёти алоҳида бир тадқиқотга асос бўлиши мумкин. Менимча, умуман, маҳорат масалаларига диққатни кўпроқ ва изчилроқ қаратиш керак.

А. ОТАБОЙ: — Классик адабиётимиз вакилларидан сўфийлик ақида ва «унсур»ларини излаш урфга айланиб кетмаяптими? Ўқувчилар баъзан: «Наҳотки устоз шоирлар хаёли фақат Аллоҳ билан банд бўлган, наҳотки, улар орасида оддий инсондай фикр юритиб, ҳаёт жумбоқларига жавоб қидирган, ўз даври муаммолари устида бош қотирган адиблар ўтмаган бўлса?» деб савол беришади ва баъзан классик адабиётимиз намоёндалари ижоди ҳақида кейинги пайтда ёзилаётган мақолаларда бир хиллик, зериктирадиган панд-насиҳатга мойил оҳанг такрорланаётганини айтишади!

И. ҲАҚҚУЛ: — Тасаввуфга бағишланган энг мўътабар китоблардан бирининг муаллифи Абу Наср Саррож «ал-Лўмаъ»нинг муқаддимасида шундай дейди: **«Замонамиздаги баъзи олимлар йўл қўйган хатоларга йўл қўймаслик учун илк мутасаввифларнинг фикр ва сўзларини нақл айлашни мақсад қилдим. Чунки асримизда яшаётган қаллоб олимлар тасаввуфнинг маъноларидан баҳс юритганда ҳам ёки ўзларидан уларга айрим қўшимчалар қўшганларида ҳам ҳақиқатдан йироқлашдилар. Улар илк сўфийларнинг сўз, ҳол ва важдларини фарқли бир шаклларда ўзларига мослаб, безаб халқ орасида мавқе ва эътибор қозонишни кўзларлар».** Бу — ўн асрлар муқаддам айтилган гап. Саррож замонидан сўнг тасаввуфшуносликда хато ва сохтакорликлар яна ҳам кўпайиб борган. Қарийб юз йил мобайнида диндан, тасаввуф таълимотидан йироқлаштирилган бир халқ вакилининг сўфийлик ҳақидаги фикр ва қарашларини, мана энди, тасаввур қилаверинг. Ҳозир тасаввуф тўғрисида хато гапларни ўртага ташлашдан кўра, алаҳсирашлар кўпайиб кетди. Бунга чидаш керак. Чунки Саррож айтмоқчи, ўша қадим даврларда ҳам **«тасаввуф ва ҳақиқат илми билан машғул бўлганлар» ниҳоятда озчиликни ташкил этган. Негаки, «тасаввуф илмини ўрганмак учун тиз букиб ўтирмак, қалбни маҳзун ҳолга етказмак, кўзлардан ёшлар оқизмак лозим... Бу илмнинг ичига кирмак нафсга ҳузр бағишламас... Бу илмда ҳислар йўқолур, мурод этилган нарсалардан узоқлашмоқ керакдир».**

Ўтмишда яшаб, ижод этган у ёки бу шоирни қандай қилиб бўлмасин, «сўфий» ёки «мутасаввиф» деб эълон қилиш, дастлаб бир томонлама берилган баҳо шаклида кўринган бўлса, энди фикрий бир хасталик тусини олмоқда. Баъзи рисола ва мақолаларни ўқиб шундай савия, шундай малака ва билим билан иш кўриладиган бўлса, яқин ўртада тасаввуф сўзини эшитса, ўқувчиларнинг асаби титрайдиган бўлади, деган хаёлларга борасан одам.

Ўрис файласуфларидан бири: «Идеализм — бу, идеал реализм», дейди. Воқеликдан ажралган, инсонни ҳаёт ва яшашдан завқлантирмайдиган илоҳий идеал ожиз ва касалманд хаёл орзу-аъмолидан бўлак бир нарса эмас.

Шу боис тасаввуф тариқатига мансуб бизнинг улуғ ижодкорларимиз руҳни севинтирувчи, қалбни нурлантирувчи «идеал реализм» шавқи билан қалам тебратганлар. Ҳар қалай, тасаввуфий шеърият матнларини талқин этишдан олдин, тасаввуф ҳақиқатлари, хусусан, тасаввуфий ҳол сирларини билишга кўп меҳнат сарфлаш керак.

А. ОТАБОЙ: — Собиқ шўролар замонида классик адабиёт соҳасида амалга оширилган ишлардан хабарингиз бор. Бу ишлар орасида, умумий тарзда бўлса-да, қайси китоб ва илмий нашрларни, қандай жиҳатларни ижобий деб ҳисоблайсиз? Ва, аксинча, ана шу давр адабиётшунослигида ҳақиқий илмга тўғри келмайдиган, масалан, диний-мистик, сарой адабиёти ёки шоирларни синфий нуқтаи назардан «дўст» ёки «душман»га ажратишлардан ташқари яна қандай камчиликлар бор эди?

И. ҲАҚҚУЛ: — Бирор-бир масалани ҳар жиҳатдан пухта ўрганмасдан баҳс-мунозара қилиш асримизнинг йигирманчи йилларидан сўнг қандайдир бир одатга айланган. Бизда олдин бундай бўлмаган. Бу — Ғарб таъсирида шаклланган чечанлик ва касалликдир. Хусусан, давлат томонидан қораланган ва таъқиқланган таълимотларни танқид қилиш ёки улар ҳақида айбномалар тўқиш — умумий мусобақа даражасига кўтарилган. Шунинг учун диннинг алифбосидан ҳам хабарсиз атеистлар умр бўйи динни таҳқирлаш билан машғул бўлишган. Худди, шунингдек, тасаввуфни чуқур ўрганиб тасаввуф адабиёти муаммоларини холис ҳал қилган деярли бирорта ҳам олим бўлмаган. Чунки шўро ҳокимияти бунга имкон ҳам бермаган. Шу туфайли тасаввуф танқидига доир фикрлар икки томчи сувдай бир-бирига ўхшаш, бири-биридан саёз. Ҳозир аҳвол ўзгарди. Тасаввуф адабиётини махсус тадқиқ қилаётганлар оз бўлса-да, бор. Лекин шўро тузуми даврида тасаввуфни қоралаган «қози»ларнинг ўрни ҳам бўш қолгани йўқ. Қачонлардир, кимлардир «қора» деганни энди булар «оқ» дейишмоқда. Бор-йўқ фарқ ана шу. Аммо «мухолиф»ларидан фарқли ўлароқ, бу динпараст ва тасаввуфпарастларнинг кўнглида мумтоз адабиётимизга бағишланган тадқиқотларни ёппасига камситиш ва инкор этиш ғарази яширинган. Бундан ортиқ ожизлик ва юзакиликни тасаввур этиш мумкин эмас. Камчиликсиз иш бўлмайди. Ўзбек мумтоз адабиёти ўрганилган илмий асарларда қусурлар учрайди. Бирларида кўп, бирларида оз. Лекин бор. Аммо назарий йўналишдаги тадқиқотларнинг кўпчилиги илмий қимматини деярли бой бермаган-ку! Инкор қилиш осон, яратиш қийин. Доҳийлик дағдағаси бошқа, аммо кўпчилик тан оладиган ва озми, кўпми фан тараққиётига бир улуш бўлиб қўшиладиган асар ёзиш бошқа. Умрини классик адабиёт тадқиқига бағишлаган истеъдодли ва заҳматкаш ҳар бир олимнинг китоблари мен учун жуда қадрли. Ахир, шулар кўз нурини сарфлаб мумтоз адабиётимиз вакиллари қўлёзмаларини нашрга тайёрлаб, халққа етказган. Шулар у ёки бу шоир ва ёзувчининг ҳаёти, ижоди ҳақида биринчи бўлиб мақолалар ёзган. **Бир ҳақиқатга ишонинг: ҳақиқий илмга мувофиқ келмайдиган жиҳатлар оқсоқол олимларнинг фаолиятларига нисбатан навқирон илм аҳлининг ишларида кўпдир.**

Диний-мистик ва сарой адабиёти, дедингиз. Муҳофиз кўпайди ҳозир буларга. Бундан атиги беш-олти йил муқаддам қаерда эди улар?

Ҳеч шубҳасиз, синфийлик, партиявийлик талабларини адо этиб, адабиётни «қисм»ларга, шоирларни эса «дўст» ёхуд «душман»га ажратишларни мутлақо қўллаб ҳам, оқлаб бўлмайди.

Маълумки, дин, биринчи галда, Аллоҳ билан инсон орасидаги ботиний боғлиқлик демак. Бу унсият маънавий-руҳий комилликнинг бош тамали ва асосий гаровидир. Қайси дин фикр ва маърифат йўли орқали Ҳақни таниш ва севишга қанча кўп рағбатлантира олса, инсон кўнглини бирлик ва яхшилик ҳиссиётларига нечоғлик кўпроқ ошно айлай билса, ўша дин кучли. Шу маънода ислом — меҳр ва муҳаббат, қудрат ва саодат дини. Инсон ҳаётида руҳий тарбия бош мавқега кўтарилганда, ислом ҳадия этажак ЗАВҚ ВА ФАРОҒАТ ўз-ўзидан кучайиб боради. Зеро, Руҳнинг асл манбаи Аллоҳ эрурки, Руҳ яратувчисидан йироқ қолмаслиги лозим. **Инсон оёғини ерга босмагунча ўрнидан тура олмаганидек, Руҳан Яратганга таянмасдан мукаммал умр кечириш ҳам ақлга сиғмайди. Ҳақиқий диний эътиқоднинг одам шахсиятини шакллантириш ва маънавий камол топтиришдаги аҳамияти ҳам шунда.** Бугунги шахсиятсизлик, иродасизлик, шуурсизлик ва ғофиллик каби иллатларнинг илдизи шўро замонидаги динсизлик мафкурасига бориб тақалади. Дин ўтмиш шоирларимиз учун имон, эътиқод, виждон тамали бўлганлигини исботлашга ҳожат йўқ. Бас, шундоқ экан, нега диний мазмундаги асарлар қораланди ёки таъқиқланди? Гап шундаки, бу масалада ҳамма вақт ҳам ҳақиқатдан чекинилмаган. Яъни диний маънолар ифодаланган кўпдан-кўп асарлар нашр қилишга яроқсизлиги билимдонлик билан ҳал этилган. Мана ўн еттинчи асрда ёзилган бир манзумадан парча:

Кўлини, юзини ювмас,
Ҳам соқолин тарамас,
Ҳеч иши Ҳаққа ярамас,
Қора юзлидир бенамоз.
Бенамоз ила ўтирма,
Хаста бўлса бориб кўрма,
Ўлса жаноза ўқима,
Ҳай, не малъундир бенамоз...
Бенамознинг қизин олма,
Гуноҳ денгизига ботма,
Ўзингни тамуға солма,
Чиркин юзлидир бенамоз...

Бундай гапларнинг адабиётга нима алоқаси бор? Намозни тарғиб этиш учун кимларнидир таҳқирлаш шартми? Таҳқир ва камситиш мусулмончиликнинг талабига тўғри келадими? Ашаддий ақидапарастлик оғусини тарқатишдан бошқа нарсага ярамайдиган бундай сатрларни нашр этмаслик адабиёт манфаатини кўзлаш эмасми? Демоқчимизки, аравани қуруқ олиб қочишга маҳлиё бўлмасдан, аввало, оқни қорадан, яроқлини яроқсиздан ажратиш лозим. Олимнинг олимлиги ҳам ана шундан бошланади.

А. ОТАБОЙ: — Мустақиллик даври, Истиқлол адабиётшуносларга қандай йўлларни очиб берди ва биз бундан қандай фойдаланаяпмиз?

И. ҲАҚҚУЛ: — Мустақиллик адабиёт ва турли даврларда яшаб ижод этган ҳар қандай шоиру ёзувчи ҳақида эркин фикрлаш, эркин ёзиш йўлларини очиб берди. Лекин Истиқлол ато этган бу йўл ва имкониятлардан зарур даражада фойдаланилаётгани йўқ.

А. ОТАБОЙ: — Албатта, ўзингиз эътироф этган, адабиётшуносликда яқин ўтмишда йўл қўйилган ва шу кунларда ҳам такрор кўриниб турган камчиликлар очиқ айтилиши керак. Бунга ошкора қаршилик қилиш ўзини таниган ҳар қандай олимнинг хаёлига келмайди. Бироқ умрини классик адабиётимиз тадқиқотига бахш этган, шароит тақозосига кўра баъзан билиб туриб, баъзан билмай нотўғри талқинларга ҳам йўл қўйган устоз адабиётшуносларимиз ўз номларига билдирилган танқидий мулоҳазаларни тўғри қабул қилишармикан?

Уларни ранжитиб, қилган ишларини камситиб қўймаймизми?

И. ҲАҚҚУЛ: — Бу саволингизга қисман жавоб бердим, деб ўйлайман. Яна шуларни қўшимча қилмоқчиман: инсон қандай ният, қандай кайфият ва қандай оҳангда баҳс ёки мунозарага киришса, худди ўша ният ва мақсад «кўзгу»сида ўзининг ички қиёфасини бошқаларга намойиш қилади. Шунинг учун ҳеч қачон ва ҳеч қандай масалада душманчилик, аламзадалик, худпарастлик, дарғазаблик билан ҳатто очиқ «кўриниб турган камчиликлар»ни ҳам гапирмаслик керак. Танқид ва мунозара эҳтиёжи фақат тўғрилик ва холисликдан туғилмоғи шарт. Танқид билан талашув ўртасида анча катта фарқ бор. Жоҳил олим мана шунда адашади. Имом Ғаззолий ёзади: «Энг аввало шу ҳақиқатни билгилки, инсонларнинг севгиси ва ҳурматини қозонмоқ, шараф ва фазилат талаб этмоқ ёки ғанимлик билан амалга оширилган мунозара Аллоҳ наздида барча разолатларнинг манбаидир. Ва шайтоннинг энг кўп севган бир ишидир... Бундай танқидбозлик мунозарачини ҳар турли ахлоқсизлик гирдобига ташлар». Хуллас, холис танқид бўлиши керак. Ва ундан ранжиш — шахсиятпарастлик ва кучсизликнинг айни ўзидир. Аммо менинг фикримча, «ноўрин талқинлар» қанчалик танқид қилинмасин, ўринли талқинга айлана олмайди. Қўлдан келса, янги талқин, янги тадқиқотларни амалга ошираверииш лозим.

А. ОТАБОЙ: — Ушбу суҳбатни, мўлжаллаганимиздай, адабиётшунослик муаммоларига бағишланган баҳсимизнинг кириши сифатида қабул қилиш мумкин. Сиз бу баҳс қизғин бўлади, чунки классик адабиётимиз тадқиқи, нашри, тарғиб-ташвиқи борасида мунозарали фикрлар кўп деб ўйлайсизми? Баҳс жараёнида бу соҳага доир яна қандай масалалар кўтарилиши, муҳокама қилиниши, зарур, деб ҳисоблайсиз?

И. ҲАҚҚУЛ: — Биринчидан, баҳс фойдали хулосалар чиқариб олишга турткi беради, деб умид қиламан. Иккинчидан, классик адабиётимизни янгича тадқиқ ва талқин қилиш иштиёқида жиддий изланаётганлар сафи кенгайишига ҳам бундай фикр алмашувлар яхши омил бўлади.

«НОМОЗШОМГУЛЛАР»

Қобилиятли шоир Исмат Худоёрнинг «Номозшомгуллар» тўпламидаги ўсмирликнинг беғубор руҳий кўринишлари, беҳаловат умр ва азалий қисматнинг ҳар хил савдолари каби абадий туйғуларга ошно қилувчи шеърлари ҳар бир қалбни ҳаяжонга солади.

Шоирнинг истеъдоди унинг табиатга тақлид қилишида эмас, мусаввирлигида кўринади. У сўзлардан ранг тайёрлаб, шундай жозибали расмлар солганки, у табиатдагидан жонлироқ бўлиб, ҳис-туйғуларни ифода қилган. Айтиш мумкинки, дунёда нимаики яшаса, дунё нима билан яшаса, ҳаммаси шоирнинг қалбидан акс-садо топгандай. Унинг руҳида табиат билан муштараклик бор. Шунинг учун ҳам беназир қуёшга юзини тутиб, шамолларга кўксини очиб, сирли шивирлаган япроқ новдасидан айро тушса унинг кўнглига хомушлик ёвдай бостириб киради. Ер бағрига ўзини отган япроққа қараб, ҳаловатсиз уйга чўмади. У билан эҳтирослар дунёсини ўзига жо қилган юрак соҳиби — шоир. Юлиб ташланган гулни кўрганда, у билан видолашар экан чин юракдан изтиробга тушади. Тўлиб оқаётган ирмоқни кўрганда, у билан қўшилиб узоқларга оқиб кетади. Бегона юракларнинг ғамига шерик бўлади.

Мен кетаман...
Қолар бу ерлар,
Титрайди гул юзида шабнам,
Теракларнинг кўзлари толар,
Бойчечаклар —
Йўл кутган онам...

— дейди шоир. У қайғуради. Йиғламаганлар шодликни билмайдилар. Шоир шеърхонга шуни англатмоқчи.

Доимий ҳамроҳ

Номозшомгул — қуёшнинг тафти қайтганда, қоронғулик заминга эгалик қилишга шайланганда кафтдек очилиб, ёруғлик улашишга жазм этадиган ҳайрат гули. Диққат билан тикилсангиз ундан ранглар қайнаб чиқаётганга ухшайди. Уни ҳайрат булоғига ҳам менгзаш мумкин. Шоир тўпламини шу гул номи билан атагани бежиз эмаслигини англагандирсиз. Исмат Худоёр ҳам қалбларга қоронғулик бостириб кирганда, дил кўзгулари хира тортганда ўз шеърлари қалбларга ёруғлик олиб кирсин, деб ният қилган бўлса ажабмас.

Эсингдами, баҳорнинг тубсиз
Паймонаси тўлиб қолгани.
Бир туп гуллар тирилиб, унсиз
Бир кечада сўлиб қолгани...

Ушбу сатрларда юракларни огоҳ этувчи овоз бор. Унда маъюс хаёлчанлик ва хотира мадҳияси бор.

Китоб «Чўлпон» нашриётида 2000 нусхада чоп этилган. Муҳаррир Ҳамза Имомбердиев. Китоб безакларини Е. Андреева ишлаган.

РИЁЗАТ ЧЕКМАГУНЧА...

Қутлаймиз!

Устоз шарқшунослардан Абдуфаттоҳ Расулов олтмишинчи йилларда Берунийнинг энг машҳур асарларидан бири «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Осорул-боқия») асарини араб тилидан ўзбекчага таржима қилиб, катта илмий жасорат кўрсатган эди. У вақтларда Берунийнинг турли фанларга доир серқирра ижодий меросини ўрганишга «тиши ўтадиган» олимлар саноқли эди. Шулардан бири Убайдулло Каримов, иккинчиси Исматилло Абдуллаев, учинчиси Абдусодиқ Ирисов эди (яна А. К. Арендс ва П. Г. Булгаков ҳам бор эди). Бу заҳматкаш олимлар олтмишинчи йиллар охиридаёқ, 1975 йилда бўлажак Беруний таваллудининг 1000 йиллигига жиддий тайёрланиб, алломанинг «Осорул-боқия» (I-том), «Ҳиндистон» (II-том), «Геодезия» (III-том), «Сайдана» (IV-том), «Қонуни масъудий» (V-VI-томлар) ва «Жавоҳир китоби» — Минералогия асарлари таржимасини ва таҳрир ишларини авж олдириб юбордилар.

Аввал айтганимиздек, Исматилло Абдуллаев «Осорул-боқия» асарини илмий тадқиқ этиб, унинг ўзбекча нашрига асосли, фундаментал муқаддима ёзди. У мана шу муқаддимасида буюк ватандошимиз, миллатимиз юлдузларидан бири Беруний илмий қизиқишлари доирасининг нақадар кенг кўламли эканлигини кўрсатди. «У (Абу Райҳон) фанларнинг деярли ҳамма соҳалари билан шуғулланди, — деб ёзади Исматилло Абдуллаев. — Ўзининг она тили бўлмиш хоразм тилидан ташқари (олим хоразм тили деб ўғуз туркчасини кўзда тутади) яна бир қанча тилларни: суғдий, форсий, сурёний (араб тилидан фарқли), юнон ва қадимги яҳудий тилларини эгаллади. (Араб тили-ку у вақтларда олимлар учун она тилидай эди. — М. М.) Кейинчалик олимнинг Ҳиндистонда бир қанча вақт ҳаёт кечириши унга ҳинд маданияти билан чуқур танишиш ва санскрит тилини ўрганиб олиш имконини берди. Қадимги юнон классик илми билан танишди, астрономия, география, ботаника, математика, геология, тарих ва этнография, фалсафа ва филология соҳаларини чуқур эгаллади. Беруний шоир ва адабиётшунос ҳам эди. (Берунийнинг худди шу соҳадаги мероси Азиз Қаюмов ва Абдусодиқ Ирисов томонидан кенг кўламда тадқиқ этилди — М. М.)

Исматилло Абдуллаев ёзишича, хоразмлик буюк аллома Абу Наср ибн Ироқ астрономия, геометрия ва математикага оид асарларидан 12 тасини Берунийга бағишлади. У Берунийни Эвклид геометрия ва Птолемейнинг астрономик таълимоти билан таништирди...» («Осорул-боқия», Муқаддима)

Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1000 йиллиги бутун дунё бўйича байрам сифатида нишонланди. Ўзбек халқи бу даҳо алломанинг ижодий мероси ҳайратланарли даражада бойлигини ва ул зотнинг ўта адолатли, ўта камтарин инсон эканлиги билан танишар экан, бу соҳада Убайдулло Каримов, Абдусодиқ Ирисов, Исматилло Абдуллаевнинг беқиёс хизматлари бор. Исматилло Абдуллаев ана шу муқаддимада Беруний мероси билан жиддий шуғулланган Ёқут Ҳамавий, Доно Сиринг, Э. Захау, И. Крачковский, Р. Розен, М. Салье асарларини ҳам тадқиқ этади ва ўзбек олими Абдуфаттоҳ Расуловнинг таржимаси фазилатларини очиб беради. «Осорул-боқия»га Исматулло Абдуллаев ва Абдуфаттоҳ Расулов тузган 1033та изоҳларнинг ўзи ўқувчига бир дорилфунунча билим беради.

Агар Исматилло Абдуллаев «Осорул-боқия»га ёзган муқаддимасида Абдуфаттоҳ Расуловнинг улуғ хизматларини кўрсатган бўлса, кейинчалик бутун дунё шарқшунослари мурожаат қиладиган, Беруний каби яна бир аллома Абу Мансур ас-Саолибийнинг «Ятиматлдаҳр» номли улкан асарининг IV жилдини арабчадан таржима ва тадқиқ қилиб, ўзи ҳам катта илмий жасорат кўрсатди.

Мовароуннаҳр ва Хуросонлик, араб тилида ёзган, юзга яқин буюк алломаларимизни кашф этишимизга Исматилло Абдуллаевнинг мана шу фидойиларча ижоди сабаб бўлди. Абу Бакр Хоразмий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Абу Наср Утбий, Абулқосим Бухорий, Маъмун ибн Маъмун, Муҳаммад ибн Абдулазиз Насафий, Абул-Фазл Бадиуззамон Ҳамадоний, Абул-Фатҳ Бустий, яна юзлаб Балхий, Нишопурий, Ҳиравийлар ҳаёти ва ижодидан гўзал намуналарни ўз ичига олган бу китобнинг таржима қилиб, нашр этилиши бизнинг Шарқ Уйғониш даври алломалари ҳақидаги тасаввурларимизни бениҳоя бойитгани айни ҳақиқатдир.

Кейинроқ Исматилло Абдуллаев аллома ас-Саолибийнинг «Татимат ал-ятима» («Ятимат ад-даҳр»га қўшимча), «Латойиф ал-маориф» («Ажойиб маълумотлар») асарларини таржима қилиб, нашр этиши ҳам маданий ҳаётимизда катта воқеа эди. Тўғри, Исматилло Абдуллаев таржимасида анча-мунча ғализликлар учрайди. Бу камчиликларни тузатиш мумкин эди. Фикрлаш тарзи бизнинг фикрлашимизга ўхшамайди. Ахир, минг йил аввалги мутафаккирлардан ҳозиргидай фикрлашни талаб қилиш тўғри келмайди-ку.

Биз ўзбеклар (собиқ иттифоқдаги бошқа халқлар ҳам) ўз тарихимизни ва умуман Шарқдаги мусулмон халқлари тарихини Россияда тузилган дарсликлар орқали ўрганишга мажбур эдик. Ўрта мактабларда ва дорилфунунларда ҳам Шарқ халқларининг ўрта асрлар тарихига оид манбалар деярли ўқитилмас эди. Фақат айрим «ўжар», адолатсевар олимларгина ҳақиқатни биринчи манбалардан ўрганишга интилар эдилар.

Бундан чорак аср аввал мактаб ва олий ўқув юртларининг талабалари (бошқа ёшлар ҳам) Яқин Шарқ мамлакатларида ўрта асрлардаги шиддатли Салиб урушларининг бизнинг Мовароуннаҳр тарихига алоқаси йўқ, деб янглиш фикрлаб келар эдик. Ҳолбуки, асл манбалар гувоҳлик беришича, Яқин Шарқ халқларининг тарихи бизнинг ҳам тарихимиз экан. Яна аниқроқ айтсак, Яқин Шарқда Оврупо салибчилари қўшинларининг истилосига қарши курашган одамларнинг кўпчилиги, буюк саркардалар бизнинг ота-боболаримиз эканлар.

Мана шу шонли тарихнинг шавкатли қаҳрамони, I, II, III салиб урушларининг қатнашчиси, мусулмон араб баҳодири Усома ибн Мунқизнинг хотиралари «Ибрат китоби»ни Исматилло Абдуллаев арабчадан таржима қилиб, нашр эттириши бир неча авлоднинг ватанимиз тарихига доир қарашларини ўзгартириб юборди. Усома ибн Мунқизнинг бу асаридан бутун дунё тарихчилари асл манба сифатида фойдаланадилар.

«Ибрат китоби»нинг русча нашрига сўзбошида истеъдодли рус шарқшуноси В. И. Беляев бундай дейди: **«Усоманинг хотиралари орқали биз мусулмон баҳодирининг қиёфасини равшан тасаввур қиламиз, уни ҳатто ўрта асрлардаги замондошларидан, кўпчилик салибчилардан кўра яхшироқ тушунамиз. Салибчилар бостириб келганларида, мусулмонларнинг маданияти улариникидан баландроқ, нафисроқ, ёрқинроқ эканлигини била олмадилар. Агар билганларида ўрта асрлардаги христианларнинг маданияти ҳам мустаҳкамланиб, инсонпарварлашиб борарди».**

Кейинроқ билсам, Исматилло Абдуллаев мана шу катта олим В.И. Беляевнинг шогирди экан.

Истиқлол арафасида Исматилло Абдуллаев «Ятимат ал-Даҳр»нинг тўртинчи қисми давоми «Татимат ал-ятима» асарини таржима қилиб чиқарди. Бу китоб Юсуф Хос Хожибдан ва Маҳмуд Кошғарийдан ярим аср аввалроқ Бухоро, Насаф, Марв, Рай, Исфаҳон, Ҳамадон, Ҳирот, Буст, Журжи ва Хоразмда яшаб, араб тилида ижод қилган шоир ва олимларнинг асарларидан намуналар берилган. Тўғриси, бу намуналардаги бадиий нафис ҳисобланувчи жумлаларнинг кўпчилигини бугунги ўқувчи яхши тушуниб етмайди (жумладан, биз ҳам). Бунинг сабабларидан бири — биз минг йил аввалги адабий-маданий муҳитни, у давр одамларининг фикрлаш тарзини тушунишга қийналишимиз бўлса, иккинчиси — таржимоннинг ҳам камчилигидир.

Исматилло ака ўқувчи қийналишини сезгани ҳолда таржима қилинган намуналарга жуда кўп изоҳлар беради. Аммо шарҳлар билан ҳам тушуниш қийин. Бу китоб кенг ўқувчилар оммаси учун ҳам қизиқарли бўлса-да, аммо у шарқшуносларга, адабиётшуносларга, фан ва маданият тарихини ўрганувчи мутахассисларга мўлжалланган. Шу машаққатларга қарамай, ундаги фикр дурдоналари биз учун бадиий сўз санъати товланишларини ўрганишимизга ёрдам беради.

Исматилло Абдуллаевнинг яхши инсон сифатида ажиб фазилатлари ул зотни яхши билган шарқшунос олим Дадахон ака Эшонқулаевнинг «Уруғ заҳмат чекиб, чечак бўлур» мақоласида яхши тасвирлаб берилган. Биз бу ерда Исматилло аканинг фақат илмий ижоди ҳақида мухтасар фикр юритдик.

Маҳкам МАҲМУД

Анвар Эшонов оила аъзолари билан. 1987 йил.

«СЎЗЛАГАНГА — СЎЗ ДУНЁ...»

Анвар акани биринчи бор мактабда ўқиб юрган пайтларимда танигандим. Кейин у киши билан кўришдик. Гапимиз гапимизга қўшилиб кетди. Кўп гурунглашардик. Анвар ака янги шеърларини дастлаб «Шарқ юлдузи»га олиб келарди. Узига қадрдон сезарди. Ўқиб берарди. Фикр сўрарди. Кейин бошқа жойларга олиб борарди. Кангулга маъқул келган одамга, ўзи айтмоқчи, дилининг бор-йўғини очарди. Гурунглашишни, гапиришни яхши кўрарди. Минбарда, майлисда гапиришни эмас, канглу тусаган одам билан мониёна гаплашишни хуш кўрарди. Шеър ўқишдан бошланган гурунг чўзилиб кетарди. Вақтнинг борлиги эсдан чиқарди.

Анвар ака шеърга насрдан кейин кириб келгул. Бунда ҳам ўзига хос феъллилик, ўзига хос ҳикмат бор. Аксарият ижодкорлар ёзувларини шеърдан бошлаб, кейин насрда сўз айтиб, кейин шеър майдонига кирган. Шеър майдонига сўзининг қуюқ ранглари, тўлишган маънолари, фавқулодда тимсолу нисбатлари билан кирган Анвар ака гапини ҳам нисбатлар, ўхшатишлар, қиёслар билан гапирарди. Ўзбекона, халқона йўсинда гапирарди. Шу хусусият унинг шеърларига ҳам сингиб кетган. Ва бу жиҳат сатрларга оҳор берган. Сўзнинг қуввати-ни оширган. Анвар аканинг сўзида ажиб бир кенглик, ажиб бир руҳ бепоёнлиги бор. Бундай сифат шоир битикларининг нафасини кучайтиради. Мисралар қабатидаги маъни шокила сингари сатрлар аро ички бир силсила пайдо қиладики, ушбу жиҳат сўз руҳидаги кенгликни, бепоёнликни кангул ҳолатларига айлантиради:

Шудринг томчиларидай
майсаларнинг қатида
Ўтинчим, настарин гул
баргига сингдир мени.

Сатрлар чўзиқлигидаги кенгликдан ташқари бунда, кангулда кечаётган ҳолат солирлигининг, ният муродининг бир кенглиги ҳам борки, бу Анвар ака сўзининг ифода йўсинини белгилайдиган асос қирраларидандир.

Соғинчларим ошиқ бўлиб
ювади орзуларим,
Орзуларим қирқ ялдо
кечанинг достонлари.

Кангулни шундай тўкади шоир. Соғинчини шундай айтади шоир. Шеър — кангулнинг тўкилиши. Соғинчнинг ёрилиши. Шоир соғинчини илтижолар тарзида, хўрсиниқлар тарзида, кангулнинг чуқур ҳам сирли бир сўст кетиб, энтикиши тарзида ифода топтиради. Ўзи ҳам ички энтикишга дунади. Сирли сукута кетади.

Дунё бойчечакларнинг
мушкин бўйларисимон
Энтикиб қор остидан
чиқаётган исмикан?

Кангулда кечаётган бундай интизорлик ҳолати, сизнинг ҳам қалбингизда шундай бир тарзнинг шаклини пайдо этади. Сиз ҳам сатрлардан сириқиб-сириқиб келаётган маъни йўсинларини ўйлайсиз. Кангулингизда қандайдир кечим кеча бошлайдики, бу сатрлардан бошланган таъсирнинг кангулда давом этаётган маъни жиҳатидир, ҳаракат тарзидир.

Анвар ака сўзнинг бағрида яшади. Сўзга содиқ биродар, қадрдон дўст бўлиб ўтди. Гоҳо гурунгларда, Анвар ака катта-катта имкониятлари бўла туриб,яъни мавқе, мартаба доираларида юришга шароитлари бўла туриб ундан фойдаланмайди, деган гаплар айланарди. Таажжуб пайдо қиларди Анвар аканинг ҳокисор юришлари. Анвар ака ана шундай имконлардан кўра, ана шундай мавжуд шароитлардан кўра Сўзнинг бағрида бўлишни истарди. Сўзнинг ҳокисорлигини яхши кўрарди. Кангулда бу ҳокисорликка уйқашлик, монандлик, қадрдонлик бор эдики, Анвар ака учун муҳими шундай сифат саналарди.

Анвар ака сўзнинг бағридаги одам сифатида бу майдонда юзага келаётган янги ёзувлардан, янги нафаслардан қувонарди. Бирон-бир маъқул битикни ўқиса яйраб, давраларда айтиб юрарди. Қувватларди. Кангулда бировнинг яхши асаридан мароқланиш ҳамда қувониш туйғуси бор эди. Мана шу покиза туйғу ўзининг битикларига ҳам покиза ҳислар, покиза маънилар жо этишдек фазилатни яратганди. Шунинг учун ҳам сатрларида келаётган сифатлар Анвар ака сўзининг бастига ярашиб тушарди.

Соғинчларнинг бокира
дардини шабнамга чай,
Олис хотирларнинг
гардини шабнамга чай.

Анвар ака сўзни салмоқлаб-салмоқлаб сўзларди. Битикларида ҳам шундай жиҳат аён сезилади. Сўз салмоғ билан келади. Салмоғ билан кангулда ҳаракат шаклини олади. Салмоғ билан қадрдонлик пайдо этади. Булар Анвар ака кўнглида кечган кечимларнинг йўсинлари эди. Булар Анвар ака қолдирган битикларнинг кангулда давом этаётган кечим йўсинларидир. Анвар аканинг бағрида Сўз деган дунё бор эди. Анвар ака сўз деган дунёнинг бағрида эди. Ундан Сўз деган дунё қолди. Ўзи ёзганидек: «Сўзлаганга — сўз дунё...» қолди.

Икром ОТАМУРОД

Анвар ЭШОНОВ

ЙЎЛЛАРНИНГ ЁДИДАН КЎП НАРСА КЕЧАР

Йўлларнинг ёдидан кўп нарса кечар,
Дуторнинг торидай йўллар тарангдир.
Авайлаб қадам бос, жанг кўриб неча,
Замин ҳанузгача мажруҳ, гарангдир,

Ҳали ҳам эслатар уруш даҳшатин
Йўлларда учровчи қўлтиқтаёқлар,
Ўз бурчин ўтади, ёвни қақшатиб
Жарроҳ столида қолган оёқлар.

Оналар оқ кийиб, юзга тортиб қўл
Бедарак йўқолган ўғлин кутганда...
Жаҳоннинг юкини кўтаролган йўл
Кўнгилдек чидолмас солдат ўтганда.

***

Ишқ аёл қалбидан ибтидо бўлмиш,
Ҳар аёл севгининг сеҳрли қасри,
Кўзин қаросига олам жо бўлмиш,
Дилга из соларкан, шиддатли асрим.

Гулдайин кўнглида буюк вулқон бор,
Чақмоқли, шиддатли, тиниқ осмон бор,
Замин бор, Замон бор, Ҳаёт бор, Жон бор,
Ҳар дам ҳаяжонли ушбу жаҳон бор.

Бесабаб эмасдир чаккадаги оқ,
Ё киприк остига тортилган чизиқ.
Олам ташвишлари худди ўша чоқ
Аёл юрагига кирмоқда сизиб.

Оламни кўрар у нозик кафтидай,
Қўлдаги чизиқдай дунё йўллари.
Асира бўлсину севги забтидан,
Фарзанд ардоқласин аёл қўллари.

Майин табассумдан тушади титроқ —
Сўнгсиз титроқ тушар йигит жонига.
Аёл қўли билан ёқилган чироқ
Мудом чорлаб турсин ошиёнига.

***

Арғамчи солиб қайтар олис юртдан турналар,
Қизлар булоқ бўйида кўзга тортар сурмалар,
Ариқларнинг лабида яшнаганда ялпизлар
Юрагимни ёқади навбаҳорий бир ҳислар.

Баҳор келди сўроқлаб, олма гули нопармон,
Навбаҳорим, қайдасан, қайдан излаб топарман?!
Боларидай изладим чечаклар орасидан,
Нега учрашолмадик икки қош орасидай?!

Сўроқладим олисга йўл олганда карвонлар,
Келтирмади дарагинг жаҳонгашта сарбонлар.
Гар юлдузга айлансанг, кўкка қўйиб нарвонлар,
Турмасмидим ёнингда бергил дея фармонлар.

Олис йўлга чорларди муҳаббатнинг чўққиси,
Қояга чиқмай туриб қулаб тушдик қўққисдан.
Иккита чизиқ каби турар эдик ёнма-ён,
Рақиб айтган битта сўз айри қилди ногаҳон.

Муҳаббат даштларида қолиб кетдим-ку танҳо,
Ҳувиллаган юрагим поёни йўқ бир саҳро.
Ёмғир бўлиб энди сен селпиб-селпиб ўтмассан,
Ишқимиз кўчаларин елпиб-елпиб ўтмассан.

Қайда ялпиз бўйлигим, қайда булоқ кўзлигим,
Йўллар айри тушганда унутдим-ку ўзлигим.
Ёниб ўтди ҳажрида болалигим — бўзлигим,
Турналардай қайтмасми ўшал оташ кўзлигим?!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли шоир ва адиб Анвар Эшоновнинг 60 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлди. Кечани Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймон кириш сўзи билан очиб, Анвар Эшоновнинг ижодий фаолияти ва самимий инсоний фазилатлари ҳақида гапирди.

Оқсоқол ёзувчи Саид Аҳмад Анвар Эшонов билан кечган устоз-шогирдлик муносабатлари, ўрталаридаги иззату икром ҳақида, у кишининг ижодий меҳнатга ва чинакам инсонийликка садоқатлари, ҳамдам, ҳамсуҳбат паллаларда Анвар Эшоновдан қолган ёрқин хотиралар хусусида сўзлади.

Таниқли адиб Мақсуд Қориев Анвар Эшоновнинг касбига садоқати, фидойилиги, бетакрор сифатлари тўғрисида сўз айтди.

Анвар Эшоновнинг болаликдан қадрдон дўсти бўлган Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ёшликнинг беғубор дамлари, толиблик—сабоқдошликнинг унутилмас лаҳзаларини эслади. Сабоқдошлар даврасида Анвар ака шеъриятни чуқур тушуниши, нозик диди билан ажралиб туришини хотирлади. Ёшликдаги мазкур қобилият, савқи табиий ила лутф дўстининг бутун ижодиётига — умрига эш бўлганлигини таъкидлади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ва munaққид Иброҳим Ғафуров Анвар Эшонов асарларининг бадиий хусусиятлари тўғрисида сўзладилар. Анваржоннинг илк китобларидан бирининг номи «Бир оғиз сўз» эди, — дея таъкидлади Иброҳим Ғафуров. — Ушбу номни адибнинг ўзи шундай изоҳлаган эди: «Бир оғиз сўз билан одам подшо бўлиши мумкин, бир оғиз сўз билан одам гадо бўлиши мумкин. Мен адабиётга бир оғиз сўз айтгани келдим. Шунинг учун китобимни «Бир оғиз сўз» дея номладим». Бугун бизга ундан БИР ОҒИЗ СЎЗ қолди — мазмунли ижод ва ибратли ҳаёт қолди. Аммо Анваржон токи сўз қалбида нолага айланмагунча ёзмасди. «Қалбим миналанган тепадай хароб», «Жангчи севгиси ҳам жангчи бўлади», «Шарқда тўлиб, Ғарбда бўшар поездлар» сатрлари Анвар Эшоновнинг қалбида нолага айланган БИР ОҒИЗ СЎЗдир. Бу сўзларнинг маъниси чуқур.

Хотирлаш кечасида шоирнинг китобларидан тузилган кўргазмани кўздан кечирдим: «Нон иси», «Дунё севги ёшида», «Бир оғиз сўз», «Йигирма миллион оппоқ кабутар»... Бу ижоднинг бағоят сермазмун эканлигини кўрдим.

Адибнинг дўстларидан Баҳодиржон Собитов Анвар Эшоновга бағишланган шеърини ўқиди.

Тошкент шаҳридаги 20-мактаб ўқувчилари хотирлаш кечасига Анвар Эшонов ижодидан саралланган назмий гулдаста келтирдилар — шоирни шеърлари билан ёд этдилар.

ФАХРИЙЛАР ГУРУНГИ

Ўзбекистон Ёзувчиларининг Дурмондаги ижод боғида иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашган жангчи ёзувчилар ва мамлакатимиз оқсоқол адибларининг суҳбати бўлди. Ижодкорлар даврасидаги гурунгга республика Нуронийлар жамғармаси ҳамда Қибрай тумани раҳбарлари, мамлакат уруш ва меҳнат фахрийлари, таниқли давлат ва жамоат арбоблари меҳмон бўлиб келдилар.

Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 52 йиллиги муносабати билан бўлган бу ажойиб тадбирни мамлакат Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов очди ва эл ардоғидаги фахрийларимизни байрам билан муборакбод этди. Ватан озодлигининг қадри нақадар юксак эканлиги ҳақида фикр юритиб, Абдулла ака иккинчи жаҳон уруши ҳар бир оила тақдирида қолдирган жароҳатлар ҳақида сўзлади, ўзининг «Аёл» деб номланган шеъри ёзилишига туртки бўлган уруш даври асоратлари билан боғлиқ хотираларни эсга олди, боболарнинг шавкатли йўллари бугунги озод мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга камарбаста бўлаётган ёшларимиз учун ҳам унутилмас сабоқ бўлиши зарур, деди.

Шундан сўнг бир пиёла чой устидаги гурунгни иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, оқсоқол адибимиз Одил Ёқубов бошқариб борди. Гурунгда мамлакат Нуронийлар жамғармаси раиси Бектош Раҳимов, таниқли давлат ва жамоат арбоби Нуриддин Муҳиддинов, ҳиндистонлик профессор Қамар Райис, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Иброҳим Раҳим, Ҳаким Назир ва бошқа адиблар сўзладилар. Уруш ва меҳнат ветеранлари мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажак йўлидаги ишончли қадамлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган беқиёс ўзгаришлар, уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган ғамхўрликлардан мамнун эканликларини изҳор этдилар. Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар фахрийларимизнинг дил қулфларини очиб юборди, самимий мулоқот, ижодий фикр алмашув кечгача давом этди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ

АСЛИ ЁРНИНГ ТИТТА ГУЛИ ЎЛГУСИДИР

ФОЛЧИ ҚИЗ

Яхши йигит кафтинг оч,
Фолинг очиб қўяйин.
Юрагингта бугдойдек,
Меҳрим сочиб қўяйин.

Бахтингданми, тахтингдан,
Толейингдан очайин.
Бир юлдузни ахтарган
Минг юлдузни сочайин.

Айтсам, анов уч фарзанддир
Билсанг учта фарзанддир
Дунёнинг ўзи қизиқ
Қалбим қалбингта банддир.

Қисматингда қаролик
Ҳижронларни кўрмасман
Худойимдан сендан ўзга
Бошқасини сўрмасман.

НАВОИЙ, БОЙҚАРО ВА ЎТИНЧИ РИВОЯТИ

Чопар кетди шоҳдан бир куни
Катта шаҳар, қишлоқларга ҳам:
«Ким шеър ёзса келсин, шоҳ уни
Мукофотлар ғар лойиқ топса.

Икки қатор ғазал битиб ким
Зуҳур қилиб маъно мукаммал.
Шоҳимизга этолса тақдим
Уникидир бойлигу амал».

Гўё зулмат тўлиб чақмоққа,
Зимистонга кирган каби нур,
Ҳамма нарса оч-ялангочга
Ғазал ёки шеърдай кўринур.

Ўша юртда яшарди ночор
Ўта ҳалол — бу унинг тинчи —
Йўқлигидан қилмаган рўзғор,
Бир орзуманд содда ўтинчи.

Қай тонг олиб таниш арқонни
Йўл оларкан саҳролар сари,
Булоқ каби қайнатар қонин
Шоҳнинг амал ва тангалари.

У ўйлади: «Мен ҳам шеър ёзсам
Зора юзга тегиб аланга.
Бир гўзалга кўнглимни очсам,
Кейин, кейин кўрсам гўшанга.

Йилт этдию битта фикр, о,
Содда қалби жўшди, энтикди:
«Юрадурман барханлар аро...»
У кўзларин фалакка тикди.

«Юрадурман барханлар аро...»
Тўти каби қайтарди минг бор.
Ҳатто қаранг, дарди — бедаво
Отлиқларга қилмас эътибор.

Сўнг улардан бир отлиқ ажраб
Ўтинчига яқинроқ келди.
Кўринишги нуроний ажаб...
(Бу овдаги Алишер эди).

— Юрибсанми барханлар аро
Шеърнинг сўнгги келмай калланга
«Бунча зулминг кўпдир Бойқаро»,
Қўшиб кўрчи шуни жумланга.

Шундай деб сўнг от сурди у зот
Ўтинчи лол — аммо шеър битди.
Ва у қушдай чиқариб қанот
Тонг отарда саройга етди.

Қайтаргандай гўё калима
Шеър айтарди ичида йигит.
— Айт, ёздингми, сен бирор нима?
У бош ирғаб сўз кутди жимжит.

— Унда ўқи, — шоҳ этди амр, —
Ёзганингдан бир-икки сатр.
— «Юрадурман барханлар аро
Бунча зулминг кўпдир Бойқаро».

Эҳ, соддалик қўлдан етаклаб
Келтирганди уни саройга.
Султон деди: «Буни калтаклаб
Солиқ солинг яна ҳар ойга».

Йигит сезди қилганин ғуноҳ,
Лекин кўриб таниш кимсани
Деди: «Майли, розидурман шоҳ,
Фақат қўйгин бир сўз дегани».

— Майли, сўйла, — деди шунда шоҳ.
Мен-ку шеърга мукофот олдим,
Лекин у ким, этингиз огоҳ?
Навоийни кўрсатди ҳорғин.

Бу саволга сарой ҳангу манг,
Ҳатто шоҳ ҳам анграйиб қолди.
Навоий-чи кулиб, дафъатан
Лабларига шундай сўз олди:

— Шеърнинг ярми меники, бу — рост,
Калтакнинг ҳам ярмин оламан.
Бир кори хол бўлса гар нохос
Товонига аҳир қоламан.

Гўё сарой портлади бирдан,
Навоий ва Бойқаро кулди.
Ўтинчининг содда бошидан
Жаранг-журунг танга тўкилди.

Юсуф ЖУМАЕВ

ҚУШЛАРНИ ТЎЙДИРАМАН

***

Кўпи ўтиб, ози қолди умрнинг,
На баҳор, на ёзи қолди умрнинг.

Қолган бўлса қиши қолди, водариг,
Қолган бўлса кузи қолди умрнинг.

Кўз ўнгимда буюк аждод ҳаёти:
Юрти қолди, сўзи қолди умрнинг.

Ўтаркансан, ортга боқиб, десанг, бас:
Минг шукрким, изи қолди умрнинг.

Ўшангача Юсуфдайин ўртанма,
Умид этгил, сози қолди умрнинг.

***

Нопок назар солса қурийди қудуқ,
Нопок назаридан қурийди бўстон.
Нопок назаридан ўзга офат йўқ:
Ажалдан беомон, ўқдан беомон.

Уммонлар қуриди назари баддан,
Нопок кимсалардан йироқ юр пок зот.
Қуёш нега боқий, бонси битта:
Тик назар сололмас унга одамзот.

***

Дўст чиқмайди нодонлардан,
Дўст бўлади сенга чинор.
Минг йил турар хизматингда,
Руҳингга бағишлар баҳор.

Дўст чиқмайди хешларингдан,
Берсанг ҳам дилингни шўрлик.
Агар эксанг дўст бўлади,
Оғзингга бол тутар ўрик.

Дўст чиқмайди ёронлардан,
Бағрингни қилишар абгор.
Лекин токлар ҳабибингдир,
Шарбати бағрингга мадор.

Дўст чиқмайди дўстлардан ҳам,
Ўқларига кўксинг нишон.
Мажнунтол — дўст, соясида
Юрагинг топади омон.

Дўст чиқмайди сендан ҳам, ёр,
Кўрмадим имони бутун.
Дўстинг бўлган дарахтни ҳам
Бир куни қиласан ўтин.

***

Бир зот қариганда шоҳ экан, бироқ
Ёшлик чоғларида бир гадо экан.
Қишин-ёз — ҳамиша тўшаги тупроқ.
Бурда нон дардига мубтало экан.

Кексайганда шоҳдир, осмонда шаъни,
Деркан: армон билан; бўлгунча тахтли,
Ёшлик чоғларимга қайтолсам қани.
Қариган султондан ёш гадо бахтли.

***

Бир қаламкашга

Пўст кийган илонлардан
Юпун болари афзал.
Пар кийинган зоғлардан
Ялангоч оқу гўзал.

Шеърларинг ялангоч деб
Тош отасан, нобакор.
Менга Яссавий билан
Махтумқули руҳи ёр.

Сен қурумга пахтадан
Кўйлаклар кийдирасан.
Мен белибос дон билан
Қушларни тўйдираман.
Сен оғуни чиройли
Қоғозларга ўрайсан.
Мен ялангоч болимнинг
Баракатин сўрайман.

Ичи қора, демагин
Юсуфдан дастим баланд.
Либосли ёлғонингдан
Ялангоч ростим баланд!

Шоирлар ҳақида

Дарёни инжиттан дарёдан топар,
Саҳрони инжиттан саҳрони топар.
Шоирни инжиттан шоирдан топмас,
Шоирни инжиттан худодан топар.

Ҳазил

Шоирни севишар жўшганда юрак,
Шоир ҳам мисоли наби дейишар.
Бу элнинг шоирга ҳурмати юксак:
Нондай эъзозлашар, нондай ейишар.

***

Деҳқон кетса, яшнаб дала-тузи қолади,
Шоир кетса, ортда ёниқ сўзи қолади.
Инсон кетар, лекин юзи кетмас дунёдан:
Кимнинг қора, кимнинг ёруғ юзи қолади.

***

Бирин боқдим кучуклигидан,
Бирин боқдим хўтиклигидан.

Бири бўлди бўридайин сак,
Бири бўлди отдайин эшак.

Бу кун бошда шулардан кулфат,
Иккови ҳам жонимга офат:

Эвоҳ мени ўз итим қопди,
Ўз эшагим ўзимни тепди.

Рози эдим, не қилсанг, қисмат,
Боққанимдан топмасам фақат.

ЭКРАН — МАДАНИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

1885 йил 28 декабрдан бошлаб француз Люмерларнинг кашфиёти туфайли «ҳаракатлантирувчи фотография», «ғаройиб томоша»нинг овозаси тилдан-тилга ўтди, элдан-элга кўчди. Париж, Лондон, Берлин, Нью-Йорк, Петербург, Тошкентда дастлабки киносеанслар уюштирилди. «Патэ» номли фирма томонидан ёлланган Промио, Месгиш каби оператор-репортажчилар ҳайратомуз, ажойиб материаллар излаб, жаҳон мамлакатлари бўйлаб ижодий сафарга отландилар.

Париждаги дастлабки кино кўриқдан икки йил ўтгач, 1987 йил 19 октябрда Тошкентда синематографнинг биринчи намойиши бўлган. «Туркестанские ведомости» газетасида ўша куни бундай хабар босилиб чиққан: «Энг охирги қизиқарли кашфиёт» — «синематограф» Тошкентда пайдо бўлди. Бугун, якшанба кеч соат 8 да шаҳар театрида биринчи томоша бўлади».

Киносеанслар салкам бир ҳафта давом этган. Ўша газета хабарига қараганда, «Фотография санъати» тадбиркори оммани шавқ-завқдан баҳраманд этгани учун таҳсинга лойиқ».

Москва яқинидаги Красногорск Давлат кино архиви дафтарида «Петербург, Бухоро Амири ва Хива хони Ҳазрати олийларининг Будда ибодатхонаси очилишига келиши» деб қайд этилган Патэлар хроникаси рукнига мансуб кинотасма сақланган. Бизнингча, эътиборсизлик туфайли матнда чалкашликка йўл қўйилган. Аслида Петербургда «Будда ибодатхонаси», эмас, балки Бухоро Амири ташаббуси ва маблағлари ҳисобига мусулмонлар масжиди қурилган. Сўз бораётган кинотасма шу муносабат билан Петербургга ташриф буюрган Бухоро Амири ва Хива хонининг тантанали вазиятда расмий доирада кутиб олинганига бағишланган.

Эҳтимол ана шу тантанали маросимларнинг бирида, ўша 1914 йилда Хива хони саройи фотографчиси ва биринчи ўзбек кинооператори Худойберган Девоновнинг шахсий ташаббуси билан ёки бевосита Хива хони томонидан «Патэ» ёки «Гомон» вакили — ажнабий оператор Хивага таклиф этилгандир. Красногорск киноархивида сақланган 89 метрдан иборат «Хива хонининг ёзги саройга кўчиб ўтиши» деб номланган («Патэ» журнал 275-а сони), шунингдек 15 метрдан иборат («Гомон» маҳсулоти) «Хива хонининг янги саройга кўчиб ўтиши» деб номланган киностасмалар, тахминимизча, шу тариқа юзага келган. Иккала кинотасманинг монтаж варақлари, позитивлари, филмлардан кинокадрлар мавжуд. Юқорида тилга олинган кинолентадар қунг билан кўздан кечирилганда деярли ягона хомаки сценарий асосида бир хилда ва бир оператор томонидан тасвирга туширилган, дейишга асос бор.

Чор Россияси Марказий шаҳарларида бўлиш, дунёвий илм-маърифат ва маданият марказлари билан яқиндан танишиш, кинематография оламидаги янгиликларни ўз кўзи билан кўриш ижодкор Х. Девонов денёқарашининг шаклланишида, фото ва киноматограф соҳаларидаги ижодий-амалий фаолиятида ҳал этувчи рол ўйнаган.

Бизгача етиб келган турли архивларда, шу жумладан, санъаткорнинг Урганчда сақланаётган шахсий бисотида икки мингдан зиёд фотосуратлар, негативлар, Хоразм диёри тарихига дахлдор ўнлаб фотоалбомлар ва тарихий хроникал кинолентадар тилга олинганда, санъат фидойиси Худойберган Девоновнинг шахсиятига, унинг кўп қиррали ижод дунёсига меҳр-муҳаббатимиз ортади. Дастхатдан кўчирилган қуйидаги сатрларда янгиликка интилган, замонасининг илғор ва эркин фикрловчилари сафида бўлишга аҳд қилган ижодкорнинг мақсад ҳамда қарашлари аниқ, лўнда ифодаланган: «1903 йилда бир миқдор пул-анжом қилганим ҳолда Полвон Ҳожи билан биргаликда Московга кетдим. У ердан ўзимга керакли соат асбоблари ҳамда аппарат билан фото материаллари олиб қайтдим... 1906 йилда кино ишига ҳаваландим... 1908 йилда яна Московга бориб, Пётр Яхум деган бойдан кино аппарати сотиб олдим. Бир ой унинг хусусий лабораториясида пул бериб ўргандим. Кино ўйнайтурган аппарат ва материаларни сотиб олиб, Хивага келтирдим... Москвадан аппарат келтирганим ҳолда кино олиш ҳамда ўйнатиш (намойиш қилиш — А. Ҳ) ишларини йўлга қўйдим».

Х. Девонов, наинки Марказий Осиёда, балки жаҳон миқёсида санъатнинг тамомила янги соҳалари — фото ва кинонинг қалдирғоч санъаткори сифатида ҳали юрилмаган йўллардан борган.

Красногорск киноархивида сақланган 92,3 метрдан иборат яна бир кинолента ҳам Хива ёки Чоржўйга ташриф буюрган «Патэ» оператори ёки Х. Девонов томонидан суратга олинган, деб ҳисоблаймиз. Кинолентада пичанларни ғарам қилаётган, дон бошоқларини янчаётган, дон тўлдирилган қоп-қанорларни тарозида тортиб топшириб, қарзини узаётган деҳқонларни кўрамиз. Шунингдек, ёзувда қайд қилинишича, «туркман» шаҳридаги кўча ҳаракати ҳам акс этган. Мазкур кинотасмада бизнинг аждод деҳқонлар кундалик турмуши, меҳнати, тирикчилик манба ва кўринишлари қамраб олинган ва жаҳон экранларида биринчи марта намойиш қилинган.

Бизнингча, Красногорск киноархивида сақланаётган «Симферопол. Бухоро Амирининг аъёнлари билан келиши» деб номланган кинолентанинг муаллифи француз оператори Месгиш бўлиши мумкин. Умумий планлардаги тасвирий йўналишда Бухоро Амири ва аъёнлари чор генерали ва ҳарбийлар томонидан кутиб олинганликлари, сўнгра автомобилда икки генерал ҳамроҳлигида Амирни кузатиш воқеалари ифодаланган.

Амир ва аъёнлар нима сабабдан Симферополга ташриф буюрганликларига келсак, «Ер юзи» журналидаги (1926 йил 14-сон) хабар бунга аниқлик киритади. Маълум бўлишича, Ялтадан 6 чақирим узоқликда, тоғ бағридаги саройнинг исми «Жаҳонаро» бўлиб, 1909 йили бино қилинган. У 20-йилларгача Амир қўлида бўлган... Ялта шаҳрининг ўзида Бухоро Амирининг яна бир қасри 2 десятина ерни эгаллаган ва 17 хонаси бўлган. Мазкур хабардан англашиладики, дам олишга отланган «саёҳатчилар»га олдиндан шай турган оператор пешвоз чиққан, съёмка ўтказиб авлодларга кинойилномада қолдирган.

Ўша давр кинематографи ҳақида, илмий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги таълим-тарбия ишларидаги унинг ўрни ва роли ҳақида Туркистон матбуот сиҳафаларида турлича, баъзан қарама-қарши фикрлар билдирилган.

Кинематограф намуналари йиллар ўтган сайин жамоатчилик диққат-эътиборида турган: ижтимоий ҳаётга муносабати, одоб-ахлоқ, тарбиявий нуқтаи-назардан баҳс-мунозараларга сабаб бўлган.

20-йилларнинг иккинчи ярмига мансуб маҳаллий матбуот саҳифаларида «кино» тушунчасига, миллий кино ва вазифаларига, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётда, тарғибот-ташвиқий ишларда кинонинг ўрни ва ролига, кино ва маърифат мавзуларига оид 50 дан ортиқ мақола, тақриз, хабарлар босилиб чиққан. Мазкур намуналар махсус илмий тадқиқотни талаб этади.

Режиссёр Наби Ғаниев (чапдан биринчи) иш устида

***

1925 йил ноябрида собиқ Туркистон ва Бухоро Давлат кино муассасалари заминида Ўзбек Давлат киноси ташкил топди.

«Кино кимнинг қуроли бўлмоғи керак?» деган мақоласида биринчи директор Умар Муқимов кун тартибида турган вазифалар ҳақида бундай ёзади: «Бугунги кунда «юзингни қишлоққа ўгир» деган шиорни чиқаратурган қуролнинг биринчиси шу кинодир...

Кинонинг бир юзини қишлоққа, бир юзини шаҳарга ўгириш керак». («Қизил Ўзбекистон», 1925 йил, 13 апрель)

Ўша даврда Ўзбек Давлат киноси томонидан чиқарилган дастлабки киножурналар ва уларнинг мундарижаси хроникал — ҳужжатли кинематографнинг йўналишини белгилашда характерлидир.

Кинохроникачилар фаолияти ўз навбатида маҳаллий матбуот саҳифаларида изчил ёритилган.

Республикада бораётган ўзгаришлар Н. Гасилов, А. Ардатов, Х.Девонов каби операторлар томонидан суратга олинган. Муаллиф-оператор А. Ардатов ва режиссёр Кривцевнинг «Бахт қуёши» (1926), режиссёр М. Авербахнинг «Чодира» номли ярим бадиий, ярим ҳужжатли филмларида реал воқеалар акс этган, деганимизда хроникал кинокадрларни кўзда тутамиз ва филмлар биринчи галда ана шу ҳаётий материалига кўра қимматлидир.

«Чайнайвериб кирпит бўлган бир тўларсоқ» («Шарқ ҳақиқати», 1929 йил, 13 ноябр) деган фелетонида ёзувчи Ғафур Ғуломнинг ёзишича, «1926-1929 йиллар ичида ишланган «Бахт қуёши», «Чодира», «Мохов қиз», «Ўзбекистон хотин-қизлари», «Лотинлаштириш», «Итолмос» каби 6 та бадиий, ҳужжатли филм талабга мутлақо жавоб бермасдан чанг босиб ётган. Бу кинолентадар учун давлатнинг 180.000 сўм пули кўкка совурилган. Филм драматургияси асоси — киносценарий масаласи, сценарийлар учун ўтказилган республика конкурси 1929 йилдан буён муаллақ бўлиб қолаверган, маҳаллий кино мутахассис кадрларни етиштиришга эътиборсизлик билан қаралган».

Умуман, кинони, хусусан, миллий бадиий кинони ёзувчи-кинодраматург, кинорежиссёр, кинооператор кадрларсиз тасаввур этиш қийин. Миллий кинога ёзувчиларни жалб этиш зарурлигини Фитрат, Абдулла Қодирий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Чўлпон ўз мулоҳазаларида таъкидлаганлар. Тилга олинган фелетонга келсак, унда филм драматургияси асоси — киносценарийга, маҳаллий мутахассис кадрлар етиштиришга жиддий эътибор қаратилганки, бу ўта муҳим масалаларда фикрлар муштараклигини кўрамиз. Демак, дастлабки босқичдаёқ қалам аҳллари бадиий кино қисматига ва истиқболига асло бефарқ қарамаганлар.

Бу даврда ўзбек Давлат киноси томонидан ишлаб чиқарилган бадиий филмлар орасида ўз драматургияси, режиссураси, актёрлар ансамблига кўра, айниқса, бадиий-ғоявийлик нуқтаи назаридан «Тонг олдидан» (1933 йил) ва «Йигит» (1936 йил) филмлари аҳамиятга эга.

Етарли малакага эга актёр, кинодарматург, постановкачи-режиссёр С. Хўжаевнинг «Тонг олдидан» деган китоби рус ва ўзбек тилларида 1933 йилда чоп этилган. Китоб 1916 йил Жиззах қўзғолонининг моҳиятини тушунтириб берувчи кириш сўзи (муаллифи Гритчин), Сулаймон Хўжаевнинг истак-мулоҳазалари ҳамда филмнинг либреттоси, адабий ва режиссёрлик сценарийсидан, шунингдек кинематографик термин-тушунчалар шарҳидан таркиб топган. Бу эса китобхонга кино табиати ва хусусиятлари, сценарийнинг мураккаб жанр эканлиги ҳақида тасаввур беради. Мустамлакачилар кирдикорларини аёвсизлик билан фош этган сценарийси ва поэтик, актёрлик филми учун С. Хўжаев қамоққа олинган, қатағон йилларининг шаҳиди бўлган. Худди шу йилларда С. Хўжаевнинг фарзанди Ҳамид Сулаймонов Москва Давлат Кинематография институти операторлик факултетини тамомлаган, биринчи профессионал оператор бўлиб қайтган. Лекин севимли касбидан воз кечиб, адабиётшуносликни маъқул кўрган, кейинча навоийшунос аллома бўлиб жаҳонга танилган.

Постановкачи-режиссёр Н. Ғаниев кинодраматург ва асосий рол ижрочиси Э. Ҳамроев билан ҳамкорликда 1935-1936 йиллар давомида ижодий иш олиб борганлар. Бироқ яқинлашаётган қатағон йилларнинг совуқ нафаси филмни ишлаш жараёнига путур етказган. Мазкур филм тафтишчиларнинг талаб-хоҳишларига қараб 5-6 марта қайта ишланган. Бу ҳам етмагандек, Тошкент яқинида дала меҳнатчилари, жамоатчилик ўргасидаги кўриклардан кейин филмнинг муҳокамалари ўтказилган. Наби Ғаниев муҳокамадаги охирги сўзида филмнинг дастлабки нусхаси ўзига маъқул эканлигини эътироф этган.

Ҳақиқат эгиладию, лекин букилмайди...

Ҳур она-диёримизда XII Тошкент Халқаро кинофестивали эшик қоқмоқда. Мустақилликдан кейин «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт учун» шиори остида ўтказиладиган биринчи халқаро киноанжуман кунларида миллий киномизнинг унутилмас саҳифаларини, кўп йиллик ижодий анъаналарни, миллий кино истиқболи йўлида шаҳид кетган муътабар адиб ва санъаткорларимиз хотираларини ёдга оламиз, бархаёт азиз сиймолар хизматларини эзгу сўзларда таъкидлаймиз. Уларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тарихий ҳамда замонавий экран намуналарини кенг жамоатчилик ва халқаро киноанжуман қатнашчиларига миллий ғурур билан намойиш қилсак арзийди.

Абдуборий ҲАСАНОВ,
киношунос

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ...

ЁХУД БИР САНЪАТКОРНИНГ ЎЗИ ҲАҚИДА «ИҒВО»СИ

Йиллар, оҳ, бу йиллар... Шу қадар тез ўтар эканки, ёшинг бир жойга бориб қолганини сезмай қоларкансан киши... Қувончли дамларда бу олам ёруғ, умидли кўринади, қайғули кунларда эса акси. Ўзимга ўзим савол бераман: арзигулик яшадимми умримни?

Ғайрат Убайдуллаев, яъни камина 1938 йили Тошкентнинг Себзор даҳасида қорилар оиласида туғилдим. Отам Убайдулло қори ўқимишли, оқ-қоранинг фарқига борадиган одам эди. Онаизоримиз Маликахон меҳрибон оналар қатори уй бекаси бўлиб, саккиз фарзандни тарбияладилар, вояга етказдилар. Ким ўйлабди дейсиз, йиллар ўтиб ака-ука қориларнинг фарзандлари артист бўлади деб... Ака-укалар эҳтимол бироз норози ҳам бўлишгандир, аммо менга, укам Лутфулла Саъдуллаевга, амакиваччаларим Ёдгор ҳамда Хайрулла Саъдиевларга юракдан ижодий оқ йўл тиладилар... «Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми» деганлари шу бўлса керак-да. Аллоҳга беҳад шукурлар бўлсинки, биз аро йўлда қолиб кетмадик.

Ака бўлиб мен укаларимни ўз касбимга тортганим йўқ. Аксинча, улар мени санъат йўлига бошладилар. Мактабни битириб бирон-бир ўқишга эмас, ишчи бўлиб заводга кирдим. Шу ердан армия хизматига жўнадим. Йигитлик бурчимни ўтаб қайтдим. Ўша кунларда Лутфулланинг институтида диплом спектакли кўрсатиларди. Укам мени ҳам таклиф этди. Томошасидан сўнг армия хизматида юриб ўйлаган режаларим буткул ўзгарди. Қалбимдаги садо астойдил санъатни танлашга йўл кўрсатди...

Шундай қилиб, 1963 йили ҳозирги Маннон Уйғур номидаги Санъат институти талабаси бўлдим. Курс раҳбаримиз Раҳим Сайфуддинов ва Маҳкам Муҳамедовлар эди.

1967 йилга келиб, институтни битириш арафасида диплом спектакли учун В. Гоголнинг «Уйланиш» ҳамда А.Арбузовнинг «Таня» асарларини саҳналаштирдик. «Таня» спектаклида эпизодик ролни, «Уйланиш»да Кочкарёв ролини ижро этдим.

Студентлик йиллари малака ошириш мақсадида, телевидениега тез-тез бориб турардим. Ҳар душанбада телевидение орқали спектакллар тўғридан-тўғри томошабинларга тортиқ этиларди. Шу спектаклларни эфирга узатишда режиссёр ёрдамчиси вазифасини бажарардим. Катталарга маъқул келдим шекилли, кейинчалик шу вазифа бўйича ишга қабул қилишди. Режиссёрлик фаолиятимни сайқаллашда Ҳайбатилла Алиев ва Маҳкам Муҳамедов катта ёрдам бердилар. Бу инсонларни устозларим деб аташга ҳақлиман.

Шу билан бир қаторда, кичик-кичик роллар ҳам ижро этиб турдим.

Бир куни «Хожи Афанди» спектаклида Бадал ака билан бирга Хайриддин исмли хизматкор йигит ролини ижро этганман. Саъй-ҳаракатларим зое кетмади шекилли, ролим томошабинларга маъқул келди, ҳатто томошабинлар неча вақтларгача кўча-кўйда юрганимда «Ие, Хайриддин-ку», деб гап қотишарди. Кейинчалик режиссёрлар қиёфамга мослаб роллар бера бошлашди. Миниатюралар театрининг пири бўлмиш Эргаш Каримов ҳам мени кўз остига олиб юрган экан шекилли, шу кўрсатувга таклиф этилдим. Актёрлик маҳоратимни оширишда Эргаш Каримов билан раҳматли Садриддин Зиёвуддиновнинг ҳиссалари чексиз. Улар азиз, меҳридарё устозларимдир.

Шундай қилиб, телевидение менинг иккинчи уйим бўлиб қолди. Бора-бора телеспектакллар саҳналаштиришга киришдим. 1971 йили Лермонтовнинг «Вадим» қиссаси асосида телевизион спектакл саҳналаштирдим. 1976—77 йилларда Б. Пармузиннинг «Махсус топшириқ» деб номланган асари асосида уч қисмли телеспектаклни қўйдим. Бу биринчи ўзбек разведкачиси ҳақидаги асар бўлиб, сюжет йўналиши мураккаб эди.

1980 йили С. Алёшиннинг «Ҳамма нарса одамларга қолади» деб номланган асари асосида телеспектакл саҳналаштирдим. Ундаги асосий қаҳрамонни Наби Раҳимов ижро этди. Бундай инсонлар билан ижод қилиш роҳат эканлигини билсангиз эди...

1984 йили Саидхонов сценарийси асосида «Ер фарзанди» деб номланган икки қисмли телеспектаклни саҳналаштирдим. Бу асарда пахтачиликнинг пири бўлган Исомиддин Арабов ҳақида сўз юритилади. Зикир Муҳаммаджонов бу образни зўр маҳорат билан ижро этди. Шу йили болгар ёзувчиси Д. Пеевнинг «Еттинчи қадаҳ» романига мурожаат қилдим. Сценарийни ўзим ёздим. Детектив жанрдаги асар бўлгани учун бир оз қийинчиликлар бўлди. Томоша эфирга узатилгандан сўнг томошабинлардан хат устига хат кела бошлади, танқидчилар ўз фикрларини билдирдилар. Хуллас, телеспектакл мухлисларни бефарқ қолдирмабди. Шундагина кўнглим таскин топди. Демак, меҳнатимиз зое кетмабди.

Кейин Э. Усмоновнинг «Қўриқхона» асарини, Олим Хўжаев хотирасига бағишлаб Иззат Султоннинг «Иймон» асарини саҳналаштирдим.

Яқиндаги ижодий ишларимдан бири 1996 йили А. Абдураззоқовнинг «Ўртоқ Бойкенжаев ва бошқалар» асари асосидаги видеофилмдир. Юқорида фақат ўзимга маъқул телевизион спектаклларимни санаб ўтдим... Ижодкор излагани сари хаёлига турли ижодий фикрлар келаверади. Буларнинг баъзиси амалга ошса, баъзилари пучлигича қолади. Ҳозирги пайтда республикамизнинг ҳар бир вилоятида театрлар бор. Эринмай ҳар бир вилоятга бориб, сара спектаклларини ёзиб, эфирга узатдим. Авваламбор театр саҳнасидаги спектаклни бутун республика кўриши ижодий гуруҳни руҳлантирса, иккинчи тарафдан халқимизнинг маънавий эҳтиёжини қондиришда катта самара беради. Бундай асарларни телевидение кассеталарига кўчириб, олтин фондга сақлаб қўйиш керак.

Ҳар доимгидек иш куни эди, дафъатан олдимга устоз Ҳайбатилла Алиев келиб, «Ғайратбой, Тоҳир Маликнинг «Сўнгги ўқ» асарини видеофильм жанрида суратга олмоқчиман. Асардаги Сергей Комилевни сенга мўлжалладим-да», деб қолдилар. Аввалига хуш кўрмадим, аммо репитициялар жараёнида қаҳрамоним Сергей билан дўстлашиб қолдим. Иложи борича Сергейдаги жиддийликни, доноликни, ўзбек элининг характерини чуқур тушунадиган маданиятли инсон қиёфасини гавдалантиришга ҳаракат қилдим...

Аёлим Муяссархон мени тушунмаганда, оила ташвишлари билан ўралашиб, ижоддан четлашиб кетардим. Бу — айни ҳақиқат.

Мухлисларимга оиламдаги каби тинчлик-хотиржамлик тилайман. Сиз азизларим, биз санъаткорларнинг ижодий меҳнатини кузатинг, мулоҳаза юритинг, қимматли фикрларингизни дариғ тутманг. Ахир, биз сиз билан тирикмиз... Шундай эмасми!..

Саидахон СОТИМХОН қизи
оққа кўчирди

Бир қўшиқ тарихи

«СУРАТИНГ»

«Бир куни, — деб ёзганди Фурқат, — гимназиянинг мударриси Назаров номли тасвиркашнинг сувратхонасига гузарим тушти. Анда ажойиб кўб ашёлар кўрдум ва деворларга раъно ўғул ва зебо қизлар тасвирлари ғоят ранг ва ниҳоятда тароватда чекулмишдурким, ул хона рашки сувратхонаи Чиндур. Ул тасвиркаш Назаров тўра шинослар юзидин хотирим посини маъри тутуб бисотида мавжуд асбобларини бир-бир манзур айлади ва тасвирга лозум дорулар ва қоғозлар ҳақиқатини баён маъразига еткурди ва тасвир илмидин бир мисол курсатмоқ учун бир киши сувратини тортиб ҳузуримга келтурди. Анинг амалига сарпо мушоҳада қилдум». (Шариф Юсупов. «Ғурбатда Фурқат» мақоласидан. «Гулистон» журнали, 1978 йил, 8-сон).

Россия Туркистонни тўла-тўкис босиб олгандан сўнг, Туркистонда оврупоча маданият ўз ҳукмини ўтказа бошлайди. Тошкент XIX аср охирлари XX аср бошларида маданият ва санъат тараққий этган марказга айланади. Айнан шу ҳаётни ўз кўзи билан кўришга ошиққан қўқонлик маърифатпарвар шоир Фурқат 1889 йил май ойида Тошкентга келади. У шаҳримизда 1891 йил май ойига қадар яшаб, атиги икки йил ичида мусулмонлар маданиятига ўз таъсирини кўрсатган рус маданияти ҳақида кўп нарсаларни билиб олади. Бизни қизиқтирган томони шоирнинг рассом ҳамда фотограф Дмитрий Назаров билан танишиб, дўстона алоқа боғлаганидир.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат санъат ҳақида кўрган-билганларини доим шеърий баён этган. Ўз вақтида Тошкентда чиқадиган ижод намуналаридан «Туркистон вилоятининг газети»да чоп эттириб турган. Салкам бир асрдан буён ҳофизлар тилидан тушмаётган «Суратинг» ғазалини шоир Фурқат Тошкентда ёзган эди. Ғазал билан ўша совға этилган сурат ҳақидаги хотирани бирбирига таққосласак, ҳар томонлама мос тушаётганини сезиш мумкин:

Не балолиғ эрди, эй шўхи дилоро Суратинг.
Ақлимни лол этди қилгунча томошо суратинг.

Кетди бир кўргач ани сабру қарорим шеваси,
Айлади тоқат нечук чекканда тарсо, суратинг.

Ёки Гуландом эрурсан, боз келдинг дар вужуд,
Айлади Баҳромдек бизларни шайдо суратинг.

Нақши пойингни чеколмас эрди Чин суратлари,
Олгуси миръот ила рус аҳли қайдо суратинг?

Бу латофатлар била борса калимоға агар,
Қўймагайму бош-оёғига чалипо, суратинг?

Турфаким тасвири лаълинг мурдаларга жон берур,
Йўқ эрур жоно, ажаб бўлса масиҳо суратинг.

Кеча-кундуз журъат айлаб моҳу меҳр ойинаси,
Бўлмади кўрмоқ ила мустаҳни асло суратинг.

Фурқатий қошу кўзинг айни тасаввур айлагач,
Солди ғорат кўнглиға, жониға яғмо суратинг.

Фурқат сурат қаршисида туриб, рассом ишини томоша қилиб, завқ олади, юксак баҳолайди. Барча гўзалликларни қамраб олган портрет санъати кучига тан беради. Гўзаллик сеҳридан ҳатто «мурдалар» ҳам тирилишига ишонади. Санъаткор маҳоратини улуғлайди.

Рассом совғаси аёл киши сурати эканлиги ғазалнинг ғоявий мазмунидан сезилиб турибди. Тасвирий санъат бошқа санъат турларидан фарқ қилиб, уни томоша қилиш ўта мураккаб эканлигини пайқаган Фурқат: «Олгуси миръот ила рус аҳли қайдо суратинг?» деб, мурожаат этаркан, суратнинг яратилиши, сир-асрори, тавсифини оврупoliклар, жумладан, руслар билан биргаликда кўриш, яхшилаб тушунишни орзу қилади.

Фурқат сурат таърифида «Нақши пойингни чеколмас эрди Чин суратлари» деб, оврупоча мусаввирликни анча ошириб мақтайди. Дарҳақиқат, шоир яшаган замонда дастгоҳли рангтасвирлар ғарб мамлакатларида жуда тараққий этганди. Нақш атамасини у безак маъносида қўллайди. Бизда миниатюра санъати тараққий этган. Бу санъат китоб мусаввирлиги бўлиб, безатиш, нақшлаш санъати, дейиларди. Фурқат ҳашамни нақш, деб эътироф этган.

Фурқатнинг «Суратинг» ғазали тасвирий санъатга бағишланган энг яхши, энг дилбар ашулалардан бири бўлиб қолаётгани, бундан буён ҳам ҳофизлар тилидан тушмай яшашига ишончимиз комилдир.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
санъатшунос

РАЪНОНИ ТИНГЛАБ...

Аслида-ку, биров ҳақида мақола ёзиш у ёқда турсин, икки оғиз гап айтишнинг ўзи қийин. Сабабки, ёзганинг кимгадир ёқиши ёки кимнингдир энсасини қотириши мумкин. Айниқса, у хонанда бўлса яна ҳам мушкул. Чунки ҳар кимнинг диди ўзига яраша, бировга буйруқ бериб бўлмайди. Демак, мен ёқтириб ёзган одам бошқа бировга мутлақо ёқмаслиги, боз устига қаҳрамонинг хусусида ҳикоя қиларкансан, «анъанага» мувофиқ, баъзан буёқни қуюлтиришга ҳам тўғри келади...

Ҳозир ёш хонанда Раъно Урозбоева ҳақида ёзаяпман. Буни Раънонинг ўзиям билмайди. Боиси, у билан махсус суҳбат қурмадим, бор-йўғи икки марта — илк сафар қувалик бир қизнинг тўйида, кейин Тошкентнинг муъжазгина қаҳвахонасидаги базмда самимий гаплашгандик, холос. Рости, бошида у ҳақда бир нима ёзиш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди. Лекин, ўзи совға қилган кассетани тинглагач, ёзишга табиий эҳтиёж туғилди.

...Билишимча, Раъно Ангрендаги ўзига тўқ оилаларнинг бирида туғилган. Туғишган жигарларидан фарқли ўлароқ санъатга меҳри тушибди. Аввалига унда-бунда хиргойи қилиб, кейин жўрликда, аста-аста, мана, мустақил қўшиқ айтадиган бўлибди. Ҳатто ўзининг «состави» ҳам бор... Бу орада М. Қориеқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясида, озроқ «Зарафшон» ансамблида ишлаб, қўшиқчиликнинг паст-баландини имкон қадар ўрганди. Ҳозир ўзининг айтишича, янги туркум қўшиқлар устида ишлаётир...

Раънонинг қисқача ҳасби-ҳоли шу. Лекин қўшиқлари ҳақида бундан кўпроқ гапириш мумкин.

Эътибор берсам, санъатнинг туйнугидан мўралаётганки бор, умгани билан эстрадага ташлаётган бир пайтда Раъно бошқача йўл танлади. Ўлмас ва ранг-баранг мумтоз қўшиқларни куйлаш баробарида, уларга уйғун равишда ўзи ҳам ашула яратиш ҳаракатига тушди. Шунданми, унинг қўшиқларида кўҳна санъатимизнинг таъми бор.

Раънога тенгкур кўплаб ёш эстрадачиларнинг қўшиқлари бамисоли бир марталик шприцга ўхшайди. Битта эшитдингми, тамом, иккинчисига тоқат йўқ. Менга шундай туюлдими, билмадим, Раънонинг қўшиқларини 3—4 марта тингласангиз ҳам меъдага тегмайди: хоҳ шўхидан, хоҳ ҳазинроғидан эшитинг, фарқи йўқ. Ҳар бир ашуласида ҳақиқий ўзбекнинг каломи, қиёфаси бордек туюлади. Агар қўшиғи шўх бўлса, кўз олдингизда ҳижолатлигина жилмайиб турган қишлоқ қизи, ҳазин бўлса, узун сочи учини лабига қистириб турган дардман ўзбек аёли гавдаланади. Шеър танлаши ҳам чаккимас. Мусиқаси-ку, ҳар хил ажнабий дангир-дунгурлардан ҳоли. Айниқса, «Нурсултоним қошига», «Нетай», «Гул ўсади», «Васф», «Сараҳбори оромижон», «Онажон» қўшиқлари ижроси дилларга ором беради.

Бугунги кўпгина қўшиқларда овоздан кўра мусиқа бирламчи ўринга чиқиб кетган. Айниқса, эстрадада. Боз устига «янги ва янги, хилма-хил» гуруҳларнинг бахтига фонограмма деган матоҳ чиқиб қолди. Унга ҳар қандай мусиқа ва қўшимча товушлардан ташқари, олқишу қарсак овозини ҳам қўшиб ёзиб олса бўларкан. Бундоқ ўйлаб қаралса, бу ғирромликдан ўзга нарса эмас. Афсуски, шу йўлдан бораётганлар бугун кўпчиликни ташкил қилади. Шунданми, эндиликда сунъий қўшиқлар кўпайгандан кўпайди. Ана шуларни кўриб туриб ҳар хил ниқобу сунъийликлардан мутлақо ҳоли, миллий йўналишда изланаётган Раънoларга ташаккурлар айтгим келади...

Ушбу ёзувлар орқали Раънонинг ютуқларини эътироф этиш баҳона, қўшиқчимизга бир ҳақиқатни ҳам айтмоқни лозим топдик: унинг ўз қўшиқлари ҳозирча оздай туюлади бизга. Аслида озроқ ва созроқ бўлгани маъқулку-я, аммо юқорида таъкидлаганимиздай, бугун «хонандалар» шунчалар кўпки, улар саёзроқ қўшиқларни қайта-қайта айтавериб қулоғингизни ўргатиб ҳам қўяркан...(тингламай десангиз, ойнаи жаҳоннинг тўри ҳамон уларники). Раъно ўшандай тоифалар соясида қолмасайди, деган хавотирим бор. Ҳозир шундай паллаки, ҳаддан ташқари камтарлик инсон имкониятларининг юзага чиқишига халал бериши мумкин. Раъно эса ўта андишали, тортинчоқ қиз. Ишқилиб, бу андиша ва тортинчоқлик унинг мавжуд имкониятини чеклаб қўймаса бўлгани. Қолаверса, инсонда истеъдодига яраша иддаоси бўлгани маъқул.

Тағин бир гап. Раъно бугунги кунда кўпгина халқ қўшиқларини суюб-суюб куйлаётир. Унинг бу ҳаракатини қўллаб-қувватлаган ҳолда, шуни алоҳида айтгим келади: қандай қўшиқ куйламасин, ҳамиша Раъно Урозбоева бўлиб куйласа, оҳангларида фақат Раънонинг қиёфасини билиб, кўриб турсак...

Турсунали АКБАРОВ

МИНГ РАҲМАТ!

(Таниқли «раҳмат»каш Қуллуқ Раҳматовичнинг юбилейида сўзланган нутқ)

Ҳурматли Қуллуқ Раҳматович!

Бугун жафокаш халқимиз сизни — «раҳматкашлик» ҳаракатининг кўзга кўринган намояндасини қутлуг ёшингиз билан муборакбод этиш шарафига муяссар бўлиб турибди. Сизнинг етмиш беш йил мобайнида босиб ўтган ҳаёт йўлингиз вояга етиб келаётган ҳозирги ёш авлодга ибрат бўлгусидир. Сиз илк қалдирғочлардан бири сифатида, ватанимиз қаттол ва қатағон кунларни бошидан кечирган бир замонда инсон «қуллуқ» ва «раҳмат»сиз яшай олмаслигини исбот қилиб бердингиз.

Узгаларга раҳмат айтиб тирикчилик қилиш инсон фаолиятининг бош омили экани ҳақида Гегел, Фейербах каби файласуфларнинг асарларида муайян фикрлар бор. Бироқ сизнинг буюк хизматингиз шундаки, сиз «раҳмат» айтувчи ва «раҳмат» эшитувчининг фарқи борлиги, муҳими, ҳар иккисида ҳам туғма истеъдод бўлиши лозимлигини ўз ҳаёт тажрибангиз билан намоён қила олдингиз.

Раҳматли отангизнинг эслашларича, сиз туғилибоқ отангизга қараб: «Раҳмат, дада!» деган экансиз.

Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, сиз «раҳмат» айтувчи билан уни эшитувчи ўртасидаги фарқни нозик ҳис билан илғаб олдингиз ва бунда икки шартга ҳамиша амал қилдингиз: яъни «раҳмат» эшитувчи шахсиятпараст, айтувчи эса мансабпараст, ялақироқ бўлмоғи зарурдир. Акс ҳолда икки томоннинг ўртасида келишмовчиликлар, ҳатто фожеалар рўй бериши мумкин.

Сизнинг буюклигингиз шундаки, биринчи бўлиб катта жасоратга қўл урдингиз, тўғрироғи куксингизни замбаракка дадил тутиб бердингиз. Ҳаётингиз қил устида турган бўлишига қарамай, қунжара еб турган ҳолатда қонхур доҳийнинг башарасига қараб туриб: «Фаровон ҳаётимиз учун ўртоқ Исталинга минг раҳмат!» дедингиз. Бу ҳаракат бутун афгор омма томонидан қўллаб-қувватланди. «Раҳматкашлик ҳаракатига кенг йўл!», «Раҳматкашларга тенглашинг!» каби шиорлар даврнинг жанговар чақириғига айланди.

Яна бир ташаббусингизни ҳали-ҳануз одамлар гапириб юришади. Исталин қонхўрлигини фош этган Хрушчўпга раҳмат айтишни бошлаб берган фидоий инсон сиз эдингиз. Бир анжуманда бошқалар Хрушчўпга ўн марта раҳмат айтганда сиз ўттиз икки марта айтиб, бошқа «раҳмат»кашларни доғда қолдирдингиз.

Қадрли Қуллуқ Раҳматович! Давр суронлари, сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар сизнинг иродангизни буколмади, ўз эътиқодингиздан қайтаролмади. Жафокаш ва заҳматкаш халқимизнинг меҳнати самараларини порахўр каллаварамларнинг донолигига боғлаш санъатини ихтиро этдингиз. Саксонинчи йиллардаги бир воқеа ҳамон эсимда. Маскопдан бир «катта» ташриф буюрганда нутқ сўзлаб жумладан шундай дедингиз:

— Ўртоқ Вичович, илгари биз томонларда бу қадар юқори ҳосил олинмасди, биз томонларда ёмғир ёғмасди. Сизнинг шарофатингиз билан мана бугун нафақат ёмғир, ҳатто дул ёғяпти, заминимизга қадам ранжида қилганингиз учун минг раҳмат!

Зал қарсакка кўмилиб кетди. Одамлар бу туманда ҳар баҳор жала ёғавериб, сел олавериб безор бўлиб кетишган бўлса-да, сизнинг маҳоратингизга қойил қолишди. Сиз бу билан кифояланмадингиз. Кичик келинингиз фарзанд кўрган эди, шу гудакка исм қўйиб беришни ўрисдан сурадингиз. У осмонга қараб ўйланиб турди-да:

— Бу боланинг исми — Булут! — деди.

Сиз «Офарин, минг раҳмат!» дедингиз.

Эндиликда ўша чақалоқ, Булут деган номини ўзгартириш учун тегишли идораларга онаси билан бирга қатнаб юрибди.

Муҳтарам Қуллуқ Раҳматович! Республикамизнинг мустақилликка эришгани сизнинг фаолиятингизда улкан сифат ўзгаришларига олиб келди. Энди раҳматлойиқ одамлар ҳали орамиздан кўп чиқади. Бу жузъий камчиликлардан қатъий назар, сизнинг ҳаёт йўлингиз ёшларимиз учун сабоқ бўлишга арзийди. Биз энди ҳур республикамизнинг ҳур фуқароларимиз. Агар биз илгариги мустабид тузум пайтида бўлганимизда мен бу очиқ фикрларимни сизнинг юбилейингизда айта олармидим. Асло. Мамлакатимизда сўз эркинлиги қарор топганлиги, демократия тантана қилгани боис ҳам мен ушбу нутқимни ирод этиб турибман. Менинг гапларимни сабр билан тинглаганингиз учун сизга минг раҳмат, яна бир бор раҳмат!

МАҲАЛЛАДА ДУВ-ДУВ ГАП

Акмалвой «Шоу» деган концертга кирган экан, калласи шовуллайдиган бўлиб қолибди.

* * *

— Тупахонни эри асли беш йилга қамалиши керак экан, бир йилга тўғрилабди.

— Нима қилибди?

— Анавиларга узатибди.

— Нимани?

— «Қуруғи»ни-да

* * *

Жапар хозмагчи памил чойни шишага қуйиб, «жидкост» деб сотган экан. Иккита шопир роса дўппослаб, икки лунжини жидкий қилиб қўйибди.

* * *

«Энди ўртоқ мухбирлар, биззи ҳозир танқид қилмай турингглар. Сал ишимиз юришиб, мундоғ семириб олайлик, ана ундан кейин, пажалиста».

* * *

Эълон! Касалхонамизга беморлар кўрпа-тўшаги, дори-дармони, озиқ-овқати ва духтир-пухтири билан қабул қилинади.

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ меҳмонимиз

ШЎРОНИНГ ШЎРИ

Аҳмаджон қўшнай асли карнайчи бўлиб, Шўро даврида бурун тўйларда карнай чалиб элга хизмат қиларкан. Ўша пайтда унинг бир содда қўшниси бўлиб, йигирманчи йилларда қулоқ сифатида Тожикистоннинг чекка бир қишлоғига сургун қилинибди. Орадан анча йиллар ўтгач Аҳмаджон ака концерт труппаси билан шу қишлоққа гастролга боришибди. Концерт тугагач, бир киши саҳнага қучоқ очиб чиқиб, Аҳмаджон ака билан қуюқ сўрашибди. Бу ўша қўшниси экан. Ҳалиги одам Аҳмаджон акани бағрига босганча йиғламсираб депти:

— Амажан, шўро сениям хароб қилибди-ку. Илгари икки метрлигини чалардинг, энди икки қаричлигини берибди.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА

(таржималар)

Қуёнбой емакхонага кириб кофе билан булочка олди-да, столга қўйгач, қулини ювгани ўтди. Қайтиб келса, кофени кимдир ичиб қўйибди.

— Менинг кофеимни ким ичди?

Ҳамма жим.

— Кофеимни ким ичди?!

Жимжитлик.

Қуён тутоқиб кетди:

— Кофени ким ичди деяпма-ан?!!

Шу пайт Айиқ қўзголиб деди:

— Мен ичдим!

— Нега булочкани емадингиз?..

* * *

Бир киши шаҳардан қишлоққа шахсий машинасида кетаётган эди. Йўлда бир товуқ уни туйқусдан қуриб ўтди. Ҳалиги одам тезликни ошириб юзга босди, товуқ ундан ҳам тез чопди. Ҳайдовчи тезликни бир юз йигирмага оширган эди, товуқ янада илгарилаб кетди. Ниҳоят товуқ бир муюлишга келганда шарт бурилди-да, фермага ўзини урди.

Бояги киши машинани тухтатиб фермердан сўради:

— Ҳозирги товуқ, қанақа товуқ?

— Гўштбоп, зотдор товуқ. Ўтган йили четдан келтирилган.

— Гўшти ширинми?

— Ким билади, дейсиз. Ўтган йилдан бери ҳеч ким қувлаб етолмаяпти.

ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

Азиз муштарийлар!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига 1997 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда. Республика «Матбуот тарқатиш маркази»нинг барча шахобчаларида газетамизга бемалол обуна бўлишингиз мумкин. Обуна баҳолари йилнинг биринчи ярми даражасида белгиланган.

Бордию обунани расмийлаштириш масаласида бирор бир муаммога дуч келсангиз ёки газетамизни ўз вақтида ололмаётган бўлсангиз, бу ҳақда таҳририятимизга ёзиб юборинг. Газетамиз йил бошидан бери узлуксиз чиқиб турибди. Айрим алоқа бўлимларининг баъзи ходимлари «газетанинг фалон сони келмади» қабилида гап қилишаётган бўлса, бу тўғрида ҳам бизга маълум қилинг. Телефонимиз — 335291.

Рассом Б. НИЁЗОВ

ИЗЛАР

Жиддийликка даъвогар ҳажвия

— Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

— Ишингиз бўлмасин.

— Ие, нега ишим бўлмас экан? Ахир сиз менинг жойимда ўтирибсиз-ку!

— Ў-ҳў, ҳали мана бу боғ ҳам ўзлариникидир?

— Боғ — ҳамманики. Лекин сиз ўтирган ўриндиқда мен ҳар оқшом ҳордиқ чиқараман. Бошқа жойга ўтиб олсангиз.

— Жаноблари ҳаддиларидан ошяптилар. Айни дамда бу жойда мен ўтирибман. Демак, бу жой — меники.

— Қизиқ одам экансиз, айтяпман-ку, мен ҳар оқшомни шу ерда ўтказишга ўрганганман. Ана, қаранг кўряпсизми, кечаги изларим...

— Муҳтарам зот кўзларини каттароқ очсалар, бизнинг бугунги изларимизни кўрган булардилар. «Кечаги изим» эмиш.

— Келинг, тортишиб вақтни ўтказмайлик-да, яхшиси ҳов анави арча тагидаги жойга ўтақолинг. У ер сўлимроқ экан.

— Кечириб қўядилар, ҳали бу ерда ким ким билан тортишаётганию ким кимни безовта этаётганлиги ҳақида баҳслашамиз. У жой эса ўзларига сийлов.

— Менга қаранг, кўринишингиздан зиёли кишига ўхшайсиз...

— Қиёфамизга тил тегизилмасин.

— Қиёфангизга тил теккизиш, азбаройи худо, хаёлимга ҳам келгани йўқ. Айтмоқчиманки...

— Узларини уринтирмай қўя қолсинлар, нима демоқчи эканликлари шундоқ ҳам аён. Энди, биласизми, боринг, мен дам олмоқчиман, сиз эса ҳалақит беряпсиз.

— Уф-ф, ахир бошқа жойга ўтиб олсангиз, ҳеч ким сизга ҳалақит бермайди, нега тушунмайсиз?

— Менга шу жой маъқул.

— Тавба, нега айнан шу жойга ёпишиб олдингиз?

— Ўзлари-чи?

— Боягина айтдим-ку, негалигини! Бошқа ўриндиққа ўтиб олсангиз асакангиз кетмайди-ку!

— Ўтмайман!

— Нега?

— Биринчидан, қаерда ўтириб ҳордиқ чиқариш бу — менинг ишим. Иккинчидан, мен бир сўзли, принципиал одамман. Учинчидан эса, мен ўз жойини дуч келган кимсаларга бўшатиб бераверадиганлардан эмасман.

— Кечирасиз, мен, ахборотингиз учун, «дуч келган кимса» эмасман.

— Унда кимсиз?

— Мен шаҳардаги энг обрўли кишиларданман, ўттиз йил илмгоҳ тупроғини ялаганман.

— Қаернинг тупроғини ялаганингизнинг мен учун заррача қизиғи йўқ.

— Нима?! Бундай муомала қилишингизга йўл қўймайман!

— Жуда қўрқитиб юбордилар-ку!

— Жамиятдаги мавқеимга яраша муносабатда бўлишингизни талаб этаман!

— Мен эса унақа думбул талабларга тупураман.

— Оғзингизга қараб гапиринг. Қани, милиция чақирмасимдан жойни бўшатинг, дам олмоқчиман.

— Бемалол дам олаверсинлар. Ана, бутун бошли боғ ихтиёрларида.

— Ҳали шунақа денг?

— Шунақа.

— Бўшатмайсизми?

— Йўқ!

— Сиздан сўнгги марта сўраяпман: жойни бўшатасизми ё йўқми?

— Мен ҳам охирги марта узил-кесил жавоб берямман: йўқ!

— Ё қудратингдан, намунча ўжар бўлмасангиз. Агар бу жой меники эканлигига ишонмаётган бўлсангиз боғ қоровулини чақирамиз, у тасдиқлаши мумкин.

— Нега энди мен сиз билан аллақаёқдаги бетайин қоровулни қидириб юришим керак экан? Агар билмоқчи бўлсангиз элликта гувоҳ ва яна бир взвод қуролланган солдат билан келсангиз ҳам миқ этмайман.

— Шундай денг?

— Шундай. Энди боринг, хиралик қилиб бошимни оғритиб юбордингиз.

— Ҳақорат қилманг!

— Ким сизни ҳақорат қилди?

— Сиз!

— Қачон?

— Ҳозиргина айтдингизку «хира» деб.

— Бўлса бордир. Хўш, нима бўпти?

— Қайтариб олинг.

— Нимани?

— «Хира»ни!

— Қайтариб олмасамчи?

— Унда, унда...

— Хўш. Хўш, осмонни ташлаб юборадиларми?

— Энди ўзингиздан ўпкаланг. Сиз ҳурматини билмаган... бемаъни одам экансиз.

— А-ҳа! Ҳали мусичадай беозоргина дам олиб ўтирган одамнинг тинчини бузибгина қолмай, яна ҳақоратлашга ҳам ўтадиларми? Энди сиз ҳам ўзингиздан кўринг, «академик». Биласизми сиз кимсиз?

— Кимман?

— Гап уқмас қайсарсиз!

— Ўзингиз қайсар!

— Қайсаргина бўлиб қолмай, маданиятдан буткул йироқлашган омисиз!

— Ўзингиз оми! Қўшимчасига қўпол, тарбиясиз ва тўпори шахс!

— Ҳе, иззатини билмаган тўнка!

— Эшак!

— Ўзинг эшак!..

Оқшомнинг булутли осмонида бирдан момақалдироқ гумбирлаб ёмғир томчилай бошлади. Боғнинг уйдим-чуқур ерларида дастлабки кўлмаклар ҳосил бўлади. Зум ўтмай кечаги, бугунги ва ҳатто аввалги кунги излар ҳам ювилиб кетди. Ўриндиқ эса бўм-бўш эди.

Муҳаммадраҳим УММАТОВ

Жаҳон кулади

КИМ КАТТА БЎЛСА ГАПИРСИН

Поп деворда осиғлиқ картиналарни кўздан кечиргач, рассомга деди:

— Сиз жинни бўлибсиз, туфли кийган фаришталарни қаерда кўргансиз?

— Сиз ялангоёқ фаришталарни қаерда кўргансиз?

***

— Олти волтли батарея одамни ўлдириши мумкинми?

— Мумкин. Агар у томдан одамнинг бошига тушса.

***

— Василий Иванович, америкаликлар ойга қўнишибди.

— Қаранг, биз уларни қаергача қувдик.

***

— Нега «Лужники» стадиони ёпиқ?

— У ерда Хрушчев машқ қиляпти.

— Спортнинг қайси тури билан шуғулланяпти?

— Чопиш билан.

— Нега?

— Американи қувиб ўтиш учун.

***

Меҳмонга чақирилган бир киши кечикиб келди. Уни кўрган бошқа меҳмонлар бирдан бақиришди:

— Жарима, жарима!

Унга жарима сифатида кетма-кет икки қадаҳни тўлдириб ичкилик беришди. У тезда маст бўлиб қолди ва уйига жунади. Йўлда кета туриб кўча қоидасини бузди. Буни кўрган милиционер деди:

— Қоидани бузмадингиз. Жарима...

— Қуй.

***

Ишда аёллар жанжаллашиб қолишди. Бошлиқнинг сабри тугаб бақирди:

— Ўчир, ҳамманг овозингни. Кимнинг ёши катта бўлса ўша биринчи гапирсин.

Гапирадиган битта ҳам аёл топилмади.

***

Бир кампир автобусга ўтирди ва шофёрга деди:

— Ўғлим, Решетиловка қишлоғига етганимда менга айтиб қўясан.

— Хўп, бувижон.

Орадан бир соат ўтди, икки соат ўтди. Бир пайт кампирнинг овози эшитилди:

— Ўғлим, Решетиловкага яқинлашиб қолдикми?

Машина аллақачон Решетиловкадан ўтиб кетган, шофёр кампирнинг илтимосини эсидан чиқариб юборганди. Лекин сир бой бергиси келмади:

— Яқин қолдик.

У шундай деди-да, машинани ортга буриб газни босди. Эллик километрлар юргандан сўнг тухтаб эшикни очди.

— Бувижон, тушинг, Решетиловкага келдик.

— Мен бу ерда тушмайман.

— Нега?

— Неварам манави дорини Решетиловкага етганда ичасиз деганди. Шунга суровдим.

Русчадан Б. БОБОЁРОВ таржимаси

—Пул бергани қолиб, бошқасини операция қилиб қўйибмиз-ку.

Рассом М. УНГАРОВ

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси Узбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси, уюшма аъзоси Уткир Раҳматовга отаси

Раҳмат УЗОҚОВ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси шоира Гулчеҳра Жураевага опаси

Луъбат МУХТОРОВА

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ҳамза номидаги Қўқон шаҳар мусиқали драма театри актери, Узбекистонда хизмат кўрсатган артист

Шомурод ҲАКИМОВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ёр-биродарларига чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Соҳиба Абдуллаевага отаси

Мадаминхўжа ўғли АБДУЛЛАХЎЖА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 33-52-91

* * *

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир —Гулчеҳра УМАРОВА

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0352. Ҳажми — 3 босма табоқ Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6